

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**

ГУЛИСТОН ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

**БОШЛАНҒИЧ ТАЪЛИМ УСЛУБИЯТИ
КАФЕДРАСИ**

УСМОНОВА НИГОРА

5141600- БОШЛАНҒИЧ ТАЪЛИМ ВА СПОРТ ТАРБИЯВИЙ ИШ
ТАЪЛИМ ЙЎНАЛИШИ БЎЙИЧА БАКАЛАВР ДАРАЖАСИНИ
ОЛИШ *«БОШЛАНҒИЧ СИНОФ ЎҚУВЧИЛАРИНИНГ МУСТАҚИЛ
ИЖОДКОРЛИГИНИ ШАКЛЛАНТИРИШ»* МАВЗУСИДАГИ

БИТИРУВ МАЛАКАВИЙ ИШИ

Рахбар: ўқ. Н.Нуралиева

М у н д а р и ж а

К И Р И Ш.....

**I БОБ. БОШЛАНҒИЧ СИНФ ЎҚУВЧИЛАРИДА МУСТАҚИЛ
ИЖОДҚОРЛИГИНИ ШАКЛЛАНТИШНИНГ НАЗАРИЙ-
МЕТОДИК АСОСЛАРИ.....**

1.1. Бошланғич синф ўқувчиларининг мустақил ижодкорлигини
шакллантишнинг ўзига хос хусусиятлари.....

1.2. Бошланғич синф ўқувчиларида мустақил ижодий ишларининг
шакллари.....

**II БОБ. БОШЛАНҒИЧ СИНФ ЎҚУВЧИЛАРИНИНГ МУСТАҚИЛ
ИЖОДҚОРЛИГИНИ ШАКЛЛАНТИШНИНГ АМАЛИЙ
АҲАМИЯТИ**

2.1. Ўқиш дарсларида ўқувчиларнинг ижодий ишларини
ташкил этиш шарт-шароитлари.....

2.2. Тажриба-синов дарсларида намуналар.....

ХУЛОСА ВА МЕТОДИК ТАВСИЯЛАР.....

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати.....

Кириш

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Таълим жараёнида бошланғич синф ўқувчиларининг мустақил ижодкорликка йўналтириш масаласига жаҳон педагогика илмида ҳамisha у ёки бу даражада эътибор қаратилган. Бошланғич синф ўқувчиларини дарс жараёнида фақат ўқитувчи айтганларини бажарадиган иштирокчидан таълим-тарбия жараёнининг ижрочилари даражасига кўтариш мақсадида ўзлаштириладиган билимларни тарбияланувчи олдига муаммо шаклида қўйиш зарурлиги шўролар педагогикасида ўтган асрнинг етмишинчи йилларида кўтарилганди. Лекин бундан асосий мақсад ўқувчи фаоллигини ошириш орқали ўзлаштириш самарадорлигини кўтаришдан иборат эди. [1]

В.Оконь, М. Махмутов, В. Кудрявцев, В. Маранцман, Н. Мочалова, А. Матюшкин, И.Ильницкая ва бошқа методист олим, амалиётчи мутахассислар томонидан бу масала ўрганилган. Улар болагорни интеллектуал фаолиятга ундовчи ички эҳтиёж муаммоли вазиятларда пайдо бўлишини, бу эҳтиёж унинг олдига қўйилган мураккаб масала моҳиятини билишга бўлган қизиқишдан туғилишини асосладилар. Ўқувчи олдига қўйилган муаммони ўзидаги ижодий фикрлаш қобилият, интеллектуал имконият ва ҳаётий тажрибани тўлиқ сафарбар этган ҳолда ҳал этишини илмий-амалий жиҳатидан исбот қилиб бердилар.

Ҳар қандай инсон ўз олдига кўндаланг турган ҳаётий ёки илмий муаммони ҳал этиш учун ўйланади, изланади, билганларини тафтиш қилади, зўриқади, машаққат чекади. Бу руҳан соғлом одамга хос бўлган табиий хусусият. Таълим жараёнида шундай вазиятга солинган бола ҳам ўша муаммони ҳал қилиш орқали билим олиш йўлида меҳнат қилади. Лекин номлари юқорида тилга олинган олимларнинг тадқиқотларида бошланғич синф ўқувчиларини ижодий фаолиятга йўналтириш масаласи фақат **билимларни ўзлаштириш ва таълим жараёнини фаоллаштириш** мақсадида текширилган. Хукмрон мафкуранинг талабига мувофиқ бошланғич синф ўқувчисиде шахслик сифатларни йўналтириш, унинг маънавий камолотини таъминлаш йўлида мустақил мулоҳаза юритишга ўргатиш масаласи назардан четда қолган. Бошланғич синф ўқувчиларини ижодий фикрлашга ўргатишга бағишланган барча илмий ишларда болаларнинг билим олиш йўлидаги фаолиятини уюштириш кўзда тутилган ва бу йўлда ижодий ишларнинг ролини ошириш тавсия этилган. (2)

Шу вақтга қадар ижодий фикрлаш масаласи фақат психология фанининг объекти деб қараб келинган. Д. В. Брушлинский, Я. А. Пономарев, О. К. Тихомиров, А. М. Матюшкин, В. В. Давидов, Э. Ғозиев, М. Давлетшин, В. Каримова, Р. Суннатова, З. Нишонова каби психолог олимлар бевосита тафаккур психологияси билан шуғулланганлар. Умуман фикрлаш ҳақида А. А. Рибак, фикрлашга ўргатиш бўйича ёзувчи Ж. Родари, фикрлашдаги индивидуал хусусиятлар ҳақида Ю. Н. Кулюткин, Г. С. Сухобская, билимларни ижодий равишда ўзлаштириш йўлида Г. Е. Амиторов, мустақил

ишлар борасида С. Матжонов, Т. Ниёзметова, Н. Д. Молдавская, С. А. Гуревич, биринчи синфларда ижодий фикрлашни йўналтириш бўйича С. Ф. Жуйков, фикрлаш жараёнида ўз-ўзини назорат қилиш ҳақида Е. Л. Белкин каби олимларнинг қарашлари мавжуд. Маънавий баркамол инсон тарбияси ҳақида фикр юритган Имом ал-Бухорий, Имом Термизий, Аҳмад Фарғоний, Абу Наср Форобий, Маҳмуд Қошғарий, Абу Райҳон Беруний, Ибн Сино, Юсуф Хос Ҳожиб, Аҳмад Яссавий, Алишер Навоий ва бошқа алломаларнинг қарашларида ҳам ёшларни ижодий фикрлашга ўргатиш масаласига у ёки бу даражада эътибор қаратилган. Қуръони Карим ва муборак ҳадисларда ҳам одам маънавий камолотини таъминлашга доир қарашлар устуворлик қилади. Ш.Абдуллаева, М. Мирқосимова, Т. Ниёзметова, С. Яминова, О. Мусурмонова, Р.Мавлонова, С. Нишонова, М. Иномова сингари қатор олимларнинг тадқиқотларида ўқувчиларни ижодий фикрлашга одатлантириш борасида фикрлар мавжуд. Улар ўз илмий ишларида инсон маънавиятини йўналтиришнинг психологик-педагогик йўллари, таълим-тарбия самарадорлигини орттиришда ижодий ишлар ва ижодий фикрлашнинг аҳамияти масаласига у ёки бу даражада тўхталганлар. Лекин бевосита бошланғич синф ўқувчиларининг ижодий фаолиятига ёшлар маънавиятини йўналтиришдаги ўрни масалалари тадқиқ этилмаган. []

Ижодкорлик мустақил фикрлашга ўргатиш асосидир. Шу боис битуров малакавий ишимизни “Бошланғич синф ўқувчиларининг мустақил ижодкорлигини шакллантириш” деб номладик.

Тадқиқотнинг мақсади: синф ўқувчиларида мустақил ижодкорлигини шакллантиришнинг педагогик шарт-шароитлари ва дидактик тузилишини аниқлаш ҳамда методик тавсиялар ишлаб чиқиш.

Тадқиқотнинг объекти: бошланғич синф ўқувчиларида мустақил ижодкорлигини шакллантириш жараёни.

Тадқиқотнинг предмети: бошланғич синф ўқувчиларида мустақил ижодкорлигини шакллантириш мазмуни, усуллари, методлари ҳамда педагогик шарт-шароитлари.

Тадқиқотнинг вазифалари:

1. бошланғич синф ўқувчиларида мустақил ижодкорлигини шакллантиришнинг мавжуд ҳолатини ўрганиш.
2. бошланғич синф ўқувчиларида мустақил ижодкорлигини шакллантириш омилларини аниқлаш.
3. бошланғич синф ўқувчиларида мустақил ижодкорлигини шакллантиришга хизмат қилувчи мақбул шакл, метод ва воситаларни белгилаш.
4. бошланғич синф ўқувчиларида мустақил ижодкорлигини шакллантиришга оид илмий-методик тавсиялар ишлаб чиқиш ва уларнинг самарадорлигини аниқлаш.

Тадқиқотнинг методологик асоси: Ўзбекистон Республикаси узлуксиз таълим тизимининг мазмунини белгилаб берувчи директив-меъёрий ҳужжатлар, хусусан, Ўзбекистон Республикасининг «Таълим тўғрисида» ги қонуни «Кадрлар тайёрлаш миллий дастури», Ўзбекистон Республикаси

Вазирлар Маҳкамаси, Олий ва Ўрта махсус халқ таълими вазирликлари томонидан қабул қилинган қарорлар, меъёрий ҳужжатлар; педагогика, психология ва методика бўйича бошланғич синф ўқувчиларини ижодий фаолиятга йўналтиришга оид хорижий тажрибалар, назариялар ва концепциялар, шунингдек, республикамиз олимларининг қарашлари; Ўзбекистон Республикаси Президенти И. А. Каримов томонидан таълим соҳасида илгари сурилган ғоялардан иборат.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги: бошланғич синф ўқувчиларида мустақил ижодкорлигини шакллантириш муаммосини педагогик йўналишда мустақил тадқиқот сифатида тадқиқ этиш; бошланғич синф ўқувчиларида мустақил ижодкорлигини шакллантиришга қаратилган педагогик фаолият мазмуни ва методикасини аниқлаш; мазкур фаолият самарадорлигини таъминловчи шакл, метод ва воситалар тизимини ишлаб чиқиш; бошланғич синф ўқувчиларида мустақил ижодкорлигини шакллантириш воситасида таълим самарадорлигини янада оширишга хизмат қилувчи методик тавсиялар ишлаб чиқиш.

Тадқиқотнинг назарий аҳамияти қуйидагилар билан тавсифланади: бошланғич синф ўқувчиларида мустақил ижодкорлигини шакллантиришга қаратилган фаолият мазмунини ишлаб чиқиш; «фаолият», «ижодий фаолият», «ижодий изланувчанлик фаолияти» каби тушунчалар педагогик нуқтаи назардан шарҳлаш; муаммога оид мазмун, метод, шакл ва воситаларни аниқлаш; тадқиқ этилаётган жараённинг самарадорлигини оширишга қаратилган услубий тавсиялар ишлаб чиқиш.

Тадқиқотнинг амалий аҳамияти: бошланғич синф ўқувчиларида мустақил ижодкорлигини шакллантириш омиллари, йўллари, педагогик шарт-шароитларини кўрсатиб бериш. Тадқиқот ишида илгари сурилган назарий қарашлар педагогика олий ўқув юртларида таълим-тарбия жараёнини мазмунан бойитади, таълим-тарбия жараёни самарадорлигини оширишга хизмат қилади. Тадқиқот натижаларидан педагогика олий ўқув юртларида таълим самарадорлигини ошириш борасидаги адабиётлар, кўлланмалар, услубий ишланмаларни яратишда фойдаланиш кўзда тутилган.

Тадқиқотнинг илмий фарази: Бўлажак мутахассисда мустақил ижодий фаолиятни шакллантиришга эришиш мумкин, агарда:

- мазкур ўқув муассасаларда таълимни ташкил этишга нисбатан янгича ёндашув қарор топса:

- ўрта мактабларда таълим тарбия жараёнининг дидактик имкониятлари мазмуни, мақбул шакл, метод ва воситалар тизими асосланса;

- бошланғич синф ўқувчиларида мустақил ижодкорлигини шакллантириш жараёнида фанлараро алоқадорликнинг таъминланишига эришилса;

- бошланғич синф ўқувчиларида мустақил ижодкорлигини шакллантиришнинг амалиётга тадбиқ этилишига эришилса;

Битирув малакавий ишининг тузилиши. Битирув малакавий иши кириш, икки боб, тўрт параграф, хулоса ва тавсиялар, фойдаланилган адабиётлардан иборат.

I БОБ. БОШЛАНҒИЧ СИНФ ЎҚУВЧИЛАРИНИНГ МУСТАҚИЛ ИЖОДКОРЛИГИНИ ШАКЛЛАНТИШНИНГ НАЗАРИЙ-МЕТОДИК АСОСЛАРИ

1.2. Бошланғич синф ўқувчиларининг мустақил ижодкорлигини шакллантишнинг ўзига хос хусусиятлари.

Фанга истеъдотли ёшларнинг кириб келишини таъминлаш учун комплекс тадбирлар туркумини амлга ошириш зарур. Бу борада олий мактабнинг, ҳатто умумий таълим мактабларининг фаолиятини тубдан қайта қуриш керак. Истеъдодли ва иқтидорли ёшларни излаб топиш, қўллаб-қувватлаш ҳамда уларнинг қобилиятларини ривожлантириш учун барча шарт-шароитларни яратишнинг республика системасини ишлаб чиқиш керак.

Ўзбекистон Республикаси ёш авлоднинг билиш фаолиятини шакллантириш ва узлуксиз ривожлантириб боришнинг мақсади вазифалари, мазмуни, воситалари, методларини илмий педагог асосларга таянган ҳолда белгилаб беришни тақозо қилмоқда. Ушбу муоммонинг ечилиши ўқувчиларни ижодий фикрлаши, уларда билимни эгаллаш фаоллиги, мустақил билиш фаолиятини шакллантириш масалаларига боғлиқ. Бунда кичик ёшдаги мактаб ўқувчилари билиш фаолиятини шакллантириш долзарб аҳамият касб этиши яққол намоён бўлмоқда. [1]

Ўзбекистонда ёш авлодни мустақил фикрлашга ўргатишнинг давлат даражасидаги масалага айланиш бежис эмас. Шу нуқтаи назардан ижодкор ёшларни тарбиялаш кўп жиҳатдан ўқув- тарбия жараёнини ижодий ташкил этишга боғлиқ. Таълимни ижодий ташкил этмасдан туриб, ижодкор ёшларни тарбиялаш мумкин эмасдиги ҳеч кимга сир эмас.

Анъанавий таълим назарияси ва унга оид педагогик амалиётда бошланғич синф ўқувчиларининг мустақиллиги, ташаббускорлиги, ижодкорлиги, тафаккурига етарли эътибор берилмайди. Ўқувчи таълимда ижрочи, ўқитувчи топшириқлари, ҳоҳиш-истакларини бажарувчи ролида иштирок этади. Бундан келиб чиқадиган хулоса шуки, таълимда ўқувчилар мавқеини, мақомини, ҳолатини, янгиламасдан, зарур ўринларда уларни бутунлай ўзгартирмасдан, боланинг ўқув – тарбия жараёнининг фаол иштирокчисига айлантирмасдан, унинг онги, тафаккурини ишлатмасдан ўқув-тарбия жараёнининг фаол иштирокчисига айлантирмасдан, унинг онги тафаккурини ишлатмасдан ўқув-тарбия жараёнини ижодий ташкил этиш мумкин эмас.

Ижод инсонгагина хос, тарихий, маданий яратувчилик сифатларига эга онгли, мақсадга йўналган, фаол ҳатти-ҳаракатлар мажмуасидир. У оригиналлиги, янгилиги бетакрорлиги билан ноижодий фаолиятдан фарқ қилади. Шу хусусиятларига асосланиб, ижодга қуйидагича педагогик таъриф бериш мумкин: **болалар ижоди** –туғма қобилият ва ҳосила сифатлар синтезида амал қилиб, ижтимоий ва шахсий қимматга эга янги моддий, маънавий бойликларни яратишга йўналган маҳсулдор фаолиятдир.

Таълимга бошланғич синф ўқувчилар ижодкорлиги жиҳатдан ёндошиш болаларни ўқув-тарбия жараёни субъекти сифатида шарҳлаш масаласини тақозо қилади. Ана шу асосга кўра болалар ижодкорлигини “субъект - объект” тизимида шарҳлаш тамойилини тавсифлаш муҳим аҳамият касб этади. Таълим жараёнида болаларда шаклланадиган шахсий сифатлар онглилик, мустақиллик, топқирлик кабилар нуқул ўқитувчи ишининг натижаси бўлмай, улар кўп жиҳатдан ўқувчининг ўзига боғлиқ. Шу тамойилган риоя қилиб, ўқув материали фаолият претмети сифатида қаралиб, ижодий фаолиятининг таркибий қисмлари ажратилади.

Ижодий фаолият ядроси тафаккур, фикрлаш шакллари бўлиб, улар қобилият, лаёқат, зеҳн, майл, хавасни тарбиялаш йўли билан ривожлантирилади, янгилик, ижодкорлик ижодий фаолият белгилари ҳисобланади.

Таълимни ижодий ташкил этиш яна бир масалани –болаларнинг ўқув фаолияти ва билув фаолиятини ўзаро муҳокама қилиб ўрганиш муоммосини ёритиш билан боғлиқ. Уларни ўзаро таққослаш қатор хулосаларга олиб келади: бу иккала фаолиятнинг таркиби бир хил бўлиб, мотив, мақсад, восита, натижадан иборат.

Бошланғич синф ўқувчилари фаолиятига кўра, ижодий топшириқларни уч гуруҳга ажратиб таҳлил қилиш мумкин. Булар ижодий мустақил иш, ижодий машқ, ўқув муаммоларидир.

1.Ижодий мустақил иш ижодий топшириқларнинг бошқа турларидан икки жиҳати билан фарқ қилади: оператив (зудлик билан) ташкил этиш имконияти борлиги ва ўқув –билув фаолиятини давом эттириш имкониятига эгаллиги. Бинобарин, ижодий мустақил иш таълимнинг шундай воситасики, уни таълимга татбиқ этиш йўли билан

-ўқиш, ўрганишга иштиёқ давом эттирилади, дарс доирасида ҳосил қилинган мотивларнинг давом этиши таъминланади:

-ўқувчиларни билишга, билим, малакалар доирасини кенгайтиришга олиб келади:

-ўрганилаётган ўқув материали устида ўқувчиларнинг ўз фаолиятларини мустақил давом эттиришга замин тайёрлайди:

-ўқувчилар фаолиятига раҳбарлик қилишни маълум даражада осонлаштиради.


Ижодий ҳарактердаги мустақил ишларни таълимга татбиқ қилишда: топшириқни тузишда риоя қилинган тартибни “аниқлаш ёки фаолиятни амалга ошириш тамойилини ажратиш”, қайд қилинган тамойилга риоя қилиб топшириқни бажариш, уни бажаришда эришилган натижани эслаб қолиш, агар зарур бўлса, натижани синфдошлари билан ўртоқлашиш, уни ўқитучига айтиб бериш шартларига риоя қилинади.

2.Ижодий машқ. Ҳар доим билимларни эсга тушириб машқ қилдириш таълимда ўқувчиларнинг зерикишига сабаб бўлади. Машқ қилиш жараёнида ўқувчиларнинг зерикишини бартараф этиш учун ижодий машқлардан фойдаланилади. Хўп, ижодий машқни қандай тушуниш керак?

Ижодий машқ ноижодий машқдан икки хил хусусиятига кўра фарк қилади: ўрганилган билимлар доирасини кенгайтириш. Бунда ўқувчи олдин ўрганилган ўқув материалга такрорий қайтиб келганда, ўз тушунчаси доирасини янги билимлар, тасаввурлар, фактлар, боғланишлар билан бойитади. []

Ижодий машқлар доимий шуғулланишга мўлжалланган машқлардан фарқли ўлароқ ҳам хотирага, ҳам тафаккурга мослаб тузилади. Бунда ўқувчи мавзу доирасида ўрганилган билим, фаолият усулларини такрорий ишлатиш билан бирга қўшимча ахборот, фаолият усулларини ҳам ижодий ўрганади.

3.Ўқув муоммолари –“Ўқув топшириқлари мажмуи бўлиб”, уларни ижодий топшириқлар тизими шаклида тасаввур қилиш мумкин.



Қ. Қосимованинг «Бошланғич синфларда она тили ўқитиш методикаси» кўлланишида болаларни ўз фикрини мустақил ёзишга ўргатишни эрта бошлаш кераклиги ўқтирилади. Кўлланилмада баён ва иншо ҳақида тўлиқ фикр билдирилган. Иншо ижодий ишнинг энг юқори шакли бўлиб, мактабда алоҳида ўрин тутишини, барча нутққа оид машқлар маълум мазмунда иншога бўйсунди. Иншо биринчи синфда кичик озаки ахборот ва эмоционал хикоядан башланиб, ўз фикрини ифодалашга, ўқувчи шахсининг ташкил топишга хизмат қиладиган, таълим-тарбиявий аҳамиятга эга бўлган жиддий режали ақлий ишга айланади.

В. Каримова, З. Нишоноваларнинг «Мустақил ижодий фикрлаш ва шахсининг ҳиссий иродавий ва интеллектуал хислатлари орасидаги боланиш» мақоласига мустақил ижодий фикрлашни психологик нуқтаи-назардан таҳлил қилинади. Ёшларга мустақил ижодий фикрлашни ўргатилса, улар келажакда ўз олдидаридаги муаммоларни ижодий ҳал қилишда қийналмайдилар. Мустақилликни тарбиялаш-бу фақат педагогик эмас, балки бир вақтнинг ўзида ижтимоий вазифадир. Мустақиллик инсоннинг ўз хатти-

харакати учун жавобгарлик билан узвий болиқ. Мустақиллик шахс ижодий фаолиятининг таркибий қисмини ташкил қилади. Муаллифлар ўз мақолаларида мустақил ижодий фикрлашни тўлиқ таҳлил қилиб борадилар .

Г. Ниёзмұхаммедованинг «Ижодий фаолликни ўстиришнинг педагогик тамойиллари» мақоласида ўқувчилар ижодий фаолликларини ўстиришнинг педагогик қонун-қоидаларини очиб беради. Кичик ёшдаги мактаб ўқувчиларида ижодий фаолликни таркиб топтириш муҳим аҳамият касб этади. Худди шу ёш даврида ўқувчиларда шахснинг ақлий, маънавий, ахлоқий асослари вужудга келади. Бошланғич синф ўқувчиларида ижодий фаолликнинг ўсиши педагогик тамойилларга асосланиши мумкин:

- ўқувчиларнинг қобилияти билан ижодий ривожининг ўзаро алоқасини инобатга олиш;
- қобилиятлар ривожини таъминловчи педагогик таъсир ўтказиш воситаларини қўллаш;
- идрок қилиш болалар ижодий фаоллигини шакллантириш негизи эканлиги;
- ижодий ёндашув;
- ўқувчиларнинг ижодий ривожини узлуксиз равишда таҳлил қилиш ва ҳоказо.

М. Раимовнинг «Ўқувчиларнинг мустақил билиш фаолиятини ташкил этиш» мақоласида ўқувчиларнинг билим савияси, уларнинг билиш фаолиятининг ҳажми ва мунтазамлигига бевосита болиқлиги алоҳида қайд этилади. Мустақил фаолиятни билимлар олишнинг воситаси ва унинг натижаси сифатида қараш мумкин. Мақолада ўқувчиларнинг билимлари изланишларининг натижаси эканлигин кўрсатиш учун бундай изланишни ташкил этиш ва бошқариш лозим. Бу эса ўқувчиларнинг билиш фаолиятини ривожлантиради. Ўқувчиларнинг мустақил билиш фаолиятини ташкил қилишнинг қандай усули уларда қуйидаги умумий ўқув кўникмаларини шакллантиради;

1. Ўз ишини ривожлантириш;
2. Қўшимча адабиётлар билан ишлаш;
3. Матндаги асосий фикрни ажрата олиш;
4. Қўйилган масалага жавоб бериш режани тузиш;
5. Мавзу моҳиятини ифодали, аниқ ва мантиқли баён қилиш.

Нишонова З. нинг «Мустақил ижодий фикрлаш ва шахс ҳислатлари» мақоласида мустақил фикрлаш шахснинг билимларини эгаллашларида борлиқни билишда зарур умумий кўникма ва малакаларни эгаллаш, янги вазиятларда уларни ижодий қўллашлари билан болиқ қобилиятдир дейилади. Ижодий фикрлаш қобилиятига эга бўлмаган ўқитувчи ўқувчиларда мустақил ижодий фикрни ривожлантира олмайди .

Таълимни ижодий ташкил этиш - бу ўқитувчи фаолияти, таълим ижодий ташкил этилган пайтдагина ўқувчилар ўқув материалларини ижодий ўзлаштиради. Ўз навбатида болаларда ижодкорлик тарбияланади. Мақолада ижодга шундай таъриф берилади: «Ижод борлиқни ривожлантиришнинг зарурий шарти бўлиб, уни борлиқнинг янги шакллари хосил қилиш, бу

билан бирга пайдо бўлган шакллар билан ижоднинг ўзи ҳам ўзгаради. Демак, инсон ижод қила туриб ривожланади». []

Қ. Хусанбоевнинг «Адабий таълимда мустақил фикрлашга ўргатиш асослари» монографиясида ижодга ундаш ўқувчиларни мустақил фикрлашга ўргатиш катта аҳамиятга эга эканини қайд этилади. Ўқиш дарсларида болаларни ижодга ундаш йўллари кўрсатилган. Эртактлардан мисоллар келтириб ижодга ундаш учун қуйидаги мисолларни келтириш мумкин. Эртақ қаҳрамонлари характерини ўзгартириш билан ҳам болаларни янги эртақ тўқишга ўргатиш мумкин. Эртақлар, уларни ким тўқишдан қатъий назар, кўпинча мантикий фикрнинг эмас, фантазиянинг махсули бўлади. Болаларнинг эса фантазияси кучли. Таниш эртақ сюжети асосида янги эртақ яратиш, яъни ўша қаҳрамонлар билан бошқа эртақ тўқиш, хотира билан ўйнаш-сўзлар ва ходисаларни эслаш, синфда ҳикоячи ролини бажариш-ўйлаб топилган воқеани айтиб бериш сингари ишларни амалга ошириш. Бундай эртақ тўқиш, ҳикоячи ўрнини эгаллаш сингари дарслар жараёнида ўқитувчи болаларнинг ижодини, у қандай бўлишидан қатъий назар, ёзиб бориши керак. Бола ўқитувчининг бирор нарсани ўзгартириб ёзмаганлиги, тушуриб қолдирмаганини назорат қилади. Бу болага сўз эркинлигини бериш, ўз сўзига эгаллик қилиш саналади.

Бошланғич синфларда ўқувчиларни ижодга ундаш, уларни мустақил фикрлашга йўналтириш катта аҳамият касб этади. Болаларнинг интеллектуал ривожланиши, юксак орзулар қилишга ва уларни амалга оширишга қодир бўлишини истаган ҳар қандай одам уларнинг ижодга ошно бўлишини таъминлаши керак. Ижодкорлик - мустақил фикрлашга ўргатиш омилидир.

Бошланғич синфларда ўқувчиларнинг ижодий ишларини ташкил этиш муаммосини ҳар томонлама ўрганиб чиқиб, қуйидаги хулосаларга келдик:

1. Бошланғич синфларда ўқувчилар ижодида чуқур маъно ва мантиқнинг керакли даражада эмаслигини тушуниш мумкин. Чунки, мақсад улар ижодида чуқур мантиқ ёки юксак маъно бўлишига эришишда эмас. Улар кейинроқ, таълим-тарбиянинг юқорироқ босқичларида пайдо бўлади. Муҳими - ижод жараёни, уларнинг ижод қилишларига имконият яратиб беришдир. Бола учун қизиқарли бўлган ҳар қандай фаолият фойдали, у нимани хоҳласа, нимага қизиқса шуни қилиб кўриши керак.
2. Бошланғич синфнинг ўқиш, она тили дарсларида болаларни ижодга ундашнинг йўллари ва имкониятлари жуда кўп. Эртақ қаҳрамонларини ҳаракатини ўзгартириб болаларни янги эртақ тўқишга, таниш эртақ сюжети асосида янги эртақ яратишга, яъни ўша қаҳрамонлар билан бошқа эртақ тўқишга ўргатиш, хотира билан боғлиқ сўзлар ва ходисаларни эслашга, синфда ҳикоячи ролини бажаришга, ўйлаб топилган нарсани айтиб беришга одатлантириш мумкин.
3. Бошланғич 4-синф ўқиш дарсларида бадиий матн устида ишлаётганда болаларга матн устида режа тузиш ва ўқишларини режа асосида қайта ҳикоялашга ўргатиш болаларнинг ижодий фаолият кўрсатишларига олиб келади.

4. Муаммоли таълимни ташкил этиш ўқувчиларнинг ижодкорлиги ривожланишида муҳим омил бўлиб ҳисобланади. Ҳар бир ўқувчи ўзининг ўқув фаолиятида маълум даражада ижодкорлик қирраларини намойиш этиши мумкин. Ижодкорлик - интеллектуал қобилият билан битта нарса эмас. Катта интеллектуал имкониятлар ҳамisha ҳам ижодкорликнинг баланд ривожига мос келавермайди. Ижодий қобилиятларни тарбиялаш ва ривожлантириш, ижодга ўргатиш мумкин.

Одам руҳияти билан шуғулланадиган мутахассисларнинг далолат беришича, инсон фикрлаш жараёнини юзага келтиришнинг асосий шarti ундаги борлиқ сирларини билишга бўлган интилиш, ички эҳтиёж, яъни мотивдир. Усиз инсонда фикрлаш пайдо бўлмайди. Фикрловчи шахс атрофдагиларнинг биргаликдаги меҳнати, ўзаро мулоқоти ва ҳамкорлигида шаклланади, ривожланади. Шахснинг тараққиёти унинг ижтимоий аҳамияти, яъни ўзгалар учун фойдалилик даражаси билан характерланади. Фикрлаш масаласида, энг аввало, унинг шакли ва мазмунини ажратар экан, Л. Виготский фикрнинг шакллари, механизми одамнинг интеллектуал ривожланишига қараб ўсиб боришини таъкидлайди. Фикрлашнинг мантиққа таяниши эса бола 12-14 ёшга етганда, у ўз тафаккурига эгалик қилиб, уни бошқара билганда юзага келади. Виготскийнинг таъбирича, мантиқий фикрлаш – онгли равишда, илмий-назарий асосларга таяниб ўз-ўзини назорат қилган ҳолда фикрлаш демакдир. Унингча, фикрлашда мантиқнинг йўқлиги фикрлаш жараёнида мустақилликнинг, эркинликнинг, онглиликнинг йўқлиги демакдир. []

Француз файласуфи Декарт: «Мен фикрляпман, демак мен мавжудман», - деган ғояни илгари сурган. Бу фикр инсон ҳаётида тафаккурни одамнинг борлиги белгиси сифатида етакчи ўринга чиқаради. Унинг фикрича, ҳеч нарса инсоннинг мавжудлигини фикрлаш жараёничалик асослаб беролмайди. Демак, мустақил равишда муҳокама қилиш, таҳлил этиш, ижодий-мантиқий фикрлаш асосий инсоний хусусият сифатида ажратиб олинган. Фикрлаш инсон мавжудлиги ва руҳан соғломлигининг асосий белгиларидан саналади. Унинг мустақиллиги тушунчалар, мантиқий бирикмалар, мавжуд тил воситаларидан оқилона фойдаланиш билан тавсифланади.

“Фикрлаш жараёни, - деб ёзади Л. Виготский, - боланинг ота-онаси билан мулоқотидан бошланади. Мустақил фикрлаш эса бу суҳбатларни бола “ютиб”, ўзича “ҳазм қила” бошлаганидан сўнг шаклланади. Бу фикрни шарҳлаб шундай хулоса чиқариш мумкинки, фикрлаш бевосита ўз йўналтирувчи кучи, мақсади, усулларига эга бўлгандагина мустақил фаолиятга айланади. Фикрлашнинг мустақиллиги ҳам унинг юқорида саналган шакллари билан бири сифатида киши шахсияти ва сийрати, ички «мен»и билан боғлиқ.

Демак, умуман фикрланганда нарса-ҳодисаларнинг бошқалар томонидан кашф этилган жиҳатлари билиб олинади. Мустақил

фикрланганда эса, одам олам ҳодисалари ва ҳаётий вазиятлар моҳиятини ўзгаларникига ўхшамаган йўсинда, уларникидан бошқача йўл билан билиб олади. Инсон тафаккури таҳлилига бағишланган қатор мактаблар ва ўз кузатишларимизга таяниб, мустақил фикрлашга қўйидагича таъриф бериш мумкин. **Мустақил фикрлаш – инсоннинг ўз олдида турган муаммони аниқ мақсад ва вазифаларни белгилаган ҳолда ўз билими ҳамда ҳаётий тажрибаларига таяниб, ўз интеллектуал имконияти даражасида турли йўл, усул, воситалар ёрдамида, мустақил равишда ҳал қилишдан иборат бўлган ақлий фаолиятидир.**

Тафаккур хусусиятлари ўрганилган тадқиқотлардан маълумки, фикр мустақиллиги даражаси инсон ақлий фаолиятининг ташаббускорлиги, пишиқлиги ва танқидийлигида акс этади. Киши фикри мустақиллигининг белгиларидан бири – ташаббускорлик инсоннинг ўз олдида аниқ мақсад ва вазифалар қўйиши, уларни амалга ошириш йўлидаги муаммолар ечимини топиши, ниҳоясига етказиш учун зарур бўлган усул ҳамда воситаларни қўллашида намоён бўлади. Бу фаолиятнинг пишиқлиги вазифаларни тез бажариш, бу жараёнда қўл келадиган усул ва воситаларни тезкорлик билан излаб топиш, уларни фарқлашда кўринади. Ақлий фаолият танқидийлиги эса мустақил фикрловчининг воқеа-ҳодисага муносабати, унинг хусусиятларини ажрата билишида намоён бўлади.

Психология фанида инсон тафаккурининг мустақиллиги билан бирга унинг мантиқчилиги, чуқурлиги, кенглиги, ўзгарувчанлиги, танқидийлиги каби сифатлари ҳам фарқланади. Борлиққа чуқур, асосли ва танқидий муносабат инсон ақлий тафаккури мустақиллигини намоёиш этишининг белгиларидан саналади. Тафаккур мустақиллиги, инсон ақлининг асосий фазилати сифатида, мураккаб вазиятларда ўзигагина хос бўлган хусусиятларини намоёиш этади. Мураккаб масалаларни ҳал қилишдаги, ечиш жараёнини тизимга солишдаги имкониятлари оригиналлигини, белгиланган нуқтаи назари қатъийлигини кўрсатиб беради. Мустақил тафаккурга эга бўлмаган кишилар тайёр қарашлар қулига айланадилар. Уларнинг тафаккури жисмоний ўсиш-ривожланишидан орқада қолади. Мустақил фикрлаш ривожланмаган ҳолларда калтабин, ақлан эринчоқ, беҳафсала, лоқайд одам шаклланади. []

Хулоса қилиб айтганда, ўтилган ҳар бир қизиқарли машғулот ўқувчи онгида яхшироқ қолиши, шунингдек дунёқарашини кенгайтириш билан бирга мустақил ижодий қобилиятини ўстиради. Ижодкор ўқувчи ўзига хос, ноёб тарзда фикр юритади, унинг фикрлари мустақил, тиниқ, бировникига ўхшамаган бўлиб, кўпинча ғайри табиий ечимларни ҳам топа олади

1.2. Бошланғич синф ўқувчиларида мустақил ижодий ишларининг шакллари.

Таълим тизимида ўқувчиларга билим беришнинг энг қулай имкониятларга асосланган ҳолда ўргатиш усуллари куйидаги турларга бўламиз.

1. Ўргатишнинг оғзаки усуллари.
2. Ўргатишнинг кўрғазмали усуллари.
3. Ўргатишнинг амалий усуллари.
4. Ўқувчиларнинг ўқув фаолиятларини рағбатлантириш ва асослаш усули.
5. Ўргатишда назорат ва ўз-ўзини назорат қилиш усули.

Ўргатишнинг оғзаки усуллари (Сўз методи)

Ўргатишнинг оғзаки усуллари таълимда доимо энг кўп қўлланиб келинган.

Буюк донишманд, сўз устаси Алишер Навоий сўзнинг куч ва қудрати ҳақида шундай деган эди:

Сўздирки, нишон берур ўликка жондин,
Сўздирки, берур хабар жонга жонондин,
Инсонни сўз айлади жудо ҳайвондин,
Билки, гуҳари шарифроқ йўқ ондин.

Дидактикада ўргатишнинг оғзаки усуллари уч турга: ўқитувчининг хикояси, суҳбат ва мактаб маърузасига ажратилади.

Ўргатишнинг кўрғазмали усуллари

Ўргатиш жараёнида кўрғазмалилик усулидан фойдаланишнинг муҳимлиги ўқувчининг ўрганилаётган нарса ва ходисаларни ҳиссий идрок этишга, уларни кўзатиб мушоҳада қилишга ўқувчини ундаш, мантиқий ва назарий элементларнинг бирлигига ишонч ҳосил қилишга, ниҳоят, назарий билимларни амалиётда қўллай олишга ўргата билиши билан изоҳланади.

Ўқувчилар сезиб идрок этиш мумкин бўлган нарсаларни сёзгилар воситаси билан, яъни кўриш мумкин бўлган нарсаларни кўз билан кўриб, эшитиш мумкин бўлган нарсаларни қулоқ билан эшитиб, сиди бор нарсаларни хидлаб кўриб, таъмини сезиш, мумкин бўлган нарсаларни татиб кўриб билиб оладилар.

Таълимда кўрғазмалилик усули намоёиш этиш, иллюстрация ва экскурсия тариқасида олиб борилади.

Экскурсия усули

Мавзунинг мазмунига боғлиқ бўлган нарса, ходиса ва воқеаларни ҳамма вақт синф шароитида намоёиш қилиш мумкин эмас. Шунинг учун ҳам ўтилаётган мавзунинг характериға қараб, экскурсия усулидан ҳам фойдаланилади. Бошланғич синф дарсларидаги экскурсия усули синф шароитида — дарс жараёнида қўлланиладиган ўргатиш усулидан тубдан фарқ қилади.

Экскурсия усули айниқса туризм фанларини ўқитиш жуда асқотади. Экскурсия усули асосан ўқитувчи ёки экскурсия ўтказишга масъул бўлган шахснинг кўзатилаётган объектни баён қилиши» тушунтириш орқали олиб борилади.

Ўргатишнинг амалий усуллари

Ўргатишнинг амалий усуллари доираси жуда кенг. Бошланғич синф ўқитувчиси ҳар бир машқни, ҳолатни амалда бажариб кўрсата олиши лозим.

Машқ қилдиришда илмий билим ва маълум бир иш-ҳаракатни ўзлаштириш ёки такомиллаштириш мақсадида режали суратда ташкил этилган такрорлаш назарда тутилади.

Машқ қилдиришда ҳар қайси ўқувчининг ўзига хос хусусиятлари ҳисобга олинади.

Ўқувчиларнинг ўзлаштирган кўникма ва малакаларини мустаҳкамлаш, ижодий қобилиятларини ривожлантиришда машқ қилдиришда:

1) машқ учун берилган топшириқнинг мақсади ўқувчиларга аниқ тушунтирилган бўлиши;

2) машқ устида синф ўқувчилар жамоаси ва ҳар қайси ўқувчининг шахсий интилиши, қизиқишини ҳисобга олиш;

3) топшириқ бутун синф ўқувчиларининг актив фаолиятини таъминлайдиган бўлиши ва машқни, албатта, белгиланган вақт ичида бажариш талаб қилиниши керак.

Ўргатиш жараёнида бошланғич синф ўқувчиларини рағбатлантириш ва танбех бериш усуллари

Ўқув фаолиятини рағбатлантириш деб кишининг актив фаолиятга бўлган ташқи майлига айтилади. Шунинг учун ҳам рағбатлантириш — ўқитувчи фаолиятининг омили ҳисобланади. Аммо рағбатлантириш кишининг фаолиятга бўлган ички майлига таъсир қилгандагина реал мақсад сари ундайдиган кўчга айланади. Бунинг устига яна бундай ички ундаш фақат ташқи рағбатлантиришлар таъсиридагина эмас, балки ўқувчиларнинг ўз-ўзининг таъсирида ҳам, унинг олдинги тажрибаси, эҳтиёжлари ва хоказолар, таъсирида ҳам юзага келади.

Машқларни бажаришга қизиқишни рағбатлантириш турларидан бири — ўқишда маълум қийинчилик сەзаётган ўқувчиларга муваффақиятли вазиятларни яратишдир. Чунки муваффақият қувончини бошдан кечирмай, ўқишдаги қийинчиликларни бартараф қилмай туриб яхши натижаларга эришиб бўлмайди.

Муваффақиятга эришиш вазиятини ўқувчининг оралиқ ҳаракатларини рағбатлантириш, яъни уни янги зўр беришларга махсус ундаш йўли билан ҳам ташкил қилиш мумкин. Муваффақият вазиятларини яратишда у ёки бу топшириқларни бажариш жараёнида қулай маънавий-рухий муҳитни таъминлаш муҳим ўрин эгаллайди. Ўқиш вақтидаги қулай микроклим ишончсизлик, қўрқинч хиссиётини камайтиради. Бундай хавотирлик ҳолати ўрнини ўзига нисбатан ишонч туйғуси эгаллайди.

Рағбатлантириш ва танбех бериш усуллари ўзига хос хусусиятларга эгадир. Масалан, баҳо билан рағбатлантириш, махсус танланган топшириқлар бериш йўли билан ўқишдаги муваффақият вазиятини яратиш

Ўқишга доир танбехлар: дарс пайтидаги оғзаки танбех беришлар, баҳосини пасайтириб қўйиш, иш дафтарига ёзишлар, хатоларини кўрсатиш ва бошқа усуллар орқали қўлланилади.

Ўргатишда назорат ва ўз-ўзини назорат қилиш усуллари

Ўргатиш тизимида назоратнинг зарурлиги, энг аввало, бутун ўқув юртлари тизимининг самарали ишлаётганлиги ҳақида ахборот олишга ўулган ижтимоий эҳтиёждан келиб чиқади. Назорат таълим жараёнининг ажралмас қисмларидан бири саналади. Чунки назорат қилиш туфайли ўргатишдаги ўзаро мулоқот, ўргатишнинг боришини жадал бошқариш ва камчиликларни ўз вақтида тўзатиш, янги дарсга аниқ вазифалар қўйиш имконини берувчи алоқа амалга оширилади. Машқларнинг самарали бажарилишини таъминлайди

Назорат ва ўз-ўзини назорат қилиш услубларини ўзаро мохирона бириктириш ўқитувчи машқларнинг самарали бажара олиш имконини, таълим самарадорлигини оширишга ёрдам беради.

Фикрнинг мустақиллиги унинг сермахсуллиги, самарадорлиги билан узвий боғлиқ. Агар инсон томонидан муайян вақт ичида маълум соҳа учун қимматли ва янги фикрлар, ғоялар, тавсиялар яратилган, назарий ҳамда амалий вазифалар ҳал қилинган бўлса, бундай тафаккур сермахсул, самарали тафаккур ҳисобланади. ***Демак, маълум вақт оралигида бажарилган ақлий иш кўлами ва сифати (пишиқлиги, кенглиги, чуқурлиги ва танқидийлиги) – тафаккур мустақиллиги даражасини ўлчаш мезони бўлиб хизмат қилади.*** қатор психологик мактабларда мустақил фикр юритиш жараёни босқичлари ҳақида сўз кетар экан, унинг таркибий қисмлари бир-биридан деярли фарқланмайди. Маълумки, мураккаб вазиятга тушиб қолган киши, аввало, ҳал қилиниши зарур бўлган масала юзасидан аниқ ва тўлиқ маълумотга эга бўлишга ҳаракат қилади. Бунинг учун у масала моҳиятини тушуниб олиш, уни текшириб чиқиш, маълум ва номаълумларни аниқлаб олишга ҳаракат қилади. Гап шундаки, бундай вазиятларнинг барчасида ҳам кишининг фикрлаши мустақил бўлавермайди. Ҳамма гап вазиятнинг муаммолилик даражаси ва шахснинг шундай ҳолатга илгари тушган-тушмаганида. Агар киши тўқнашган вазият унга таниш бўлса, яъни шундай ҳолат ёки ўхшаш вазиятга аввал ҳам дуч келган бўлса ва илгари қўллаган, ўзига таниш йўлларни хотирлаб, фаолиятини бир тизимга сола билса, ақлнинг бундай фаолияти мустақил фикрлаш ҳисобланмайди. У фақат ўзи ёки ўзгалар томонидан қўлланилган усулларни хотирлайди ва улардан фойдаланади. Бундай вазиятда масала ақлий фаолиятнинг мустақиллиги билан эмас, хотира ҳисобидан ҳал қилинади. []

Маълумки, иш жараёнида инсон ақлининг фаолияти унинг ўзи томонидан бевосита кузатилмайди. Бу фаолиятнинг нечоғли мустақиллигини кузатиш

хамда уни ривожлантириш таълим-тарбия жараёнининг, мактаб ва ўқитувчининг вазифаси. Бунинг учун ўқитувчидан таълим жараёнининг ҳар босқичида ҳар бир ўқувчининг шахси, интеллектуал имкониятлари, интилишлари ва қизиқишларини билиш талаб қилинади. Бу жараёни бевосита мактаббилан боғлаб шуни айтиш мумкинки, ўқувчи таълимнинг ҳар босқичида ўрганилаётган бадиий асар қаҳрамонларини ўзига хос тарзда қабул қилади. Болага хос бундай индивидуал хусусиятларни билиш ўқитувчи иш фаолиятида катта аҳамият касб этади. Ўқитувчи бадиий асар матни устида ишлаш методини аниқлашда, асосан, шу жиҳатларга таяниши керак бўлади.

Масалан, кичик мактаб ёшидаги ўқувчилар (7-11 ёш) мактабқаҳрамоннинг шахси, хатти-ҳаракатлари билан танишиш асносида ундаги умумий ахлоқий сифатларни илғаб олишади. Уларнинг хулосалари кўпинча бир тарафлама бўлиб, асардаги воқеа-ҳодисалар асосида кескинлик билан чиқарилади. Бола ҳаёлан асар қаҳрамонлари билан биргаликда саргузаштларда иштирок этар экан, қаҳрамоннинг шахсий сифатлари билан эмас, матндаги лавҳалар, воқеалар ривожини билан кўпроқ қизиқади. Бошланғич синф ўқувчилари асар муаллифи ифодалаётган жараёнга киришга, ёзилганларни тасаввур қилишга, ҳазиллардан қотиб-қотиб кулишга, қайғуришга тайёр. Улар муаллифга ишонмасликка, унга муносабат билдиришга, матннинг афзаллик ёки нуқсонларини муҳокама қилишга қодир эмаслар. Бошланғич синф ўқувчиларига хос бўлган тақлидчилик бу даврнинг ўзига хос хусусияти саналади. Бу ҳолат ўзлаштирилиши лозим бўлган сифатларнинг ташқи жиҳатини кўчиришда намоён бўлади. Уларга хос бўлган айтилганни ўзидек такрорлаб бериш баъзида ҳаддан ошиб кетади. Улардан билганларини ўз сўзлари билан гапириб бериш сўралганда, кўпчилиги бунинг уддасидан чиқишолмайди. Бу ёшда хотира кучлилиги билан бирга нутқнинг ривожланмаганлиги ҳам кўзга ташланади. Уларга бир марта эшитган нарсасини бошқа сўзлар билан ифодалаб бериш қийинлик қилади. Бу босқичда уларнинг ўзлаштиришга, билганларини шуурига сингдиришга мойиллигидан унумли фойдаланиш керак бўлади.

Бола ёш босқичларига кўра турлича қизиқишга эга бўлади, ўзига хос фикрлайди ва ҳис қилади. Турли ёшда турлича фаолият кўрсатади, борлиққа муносабати ҳам ҳар хил бўлади. Бешинчи, олтинчи синф ўқувчилари – кичик ўсмир ёшидаги болаларнинг ўқитувчилар ва бир-бирлари билан ўзаро муносабати ўзгара бошлайди. Бу даврда фаолликнинг хусусий шакллари кузатилади, уларнинг интеллекти ўзини намойиш эта бошлайди. 12-13 ёшли болаларнинг кўпчилиги ўқишга беғамлик билан қарайдилар: ўзларини ошиқча қийнамайилар, уй вазифаларини берилган топшириқ даражасида бажарадилар, кўпинча, ўзларини овутадиган бошқа нарсаларни ўйлаб топишга мойил бўладилар. []

Ўрта мактаб ёшига етган ўқувчида бошланғич мактаб боласига хос бўлган инсонни баҳолашдаги кескинлик ва бирёқламалилик камаёди. Бу ёшдаги болани шахснинг ахлоқий сифатлари, унинг ички дунёси, характерининг

шаклланиши ва бунга туртки бўлган омиллар кўпроқ қизиқтира боради. Аммо кичик ўсмир ҳам мактабқахрамонни унинг шахсига хос бўлган барча жиҳатларни инобатга олган ҳолда, яхлит баҳолашга қодир эмас. У кўпинча қахрамоннинг у ёки бу фазилатига урғу берган ҳолда шахсини баҳолайди. Ўрта мактаб ёшидаги болалар фикрлашида анчагина сабрсизлик сезилади. Бу даврда болалар дарсда бажариладиган ишларнинг тезлигига эҳтиёж сезадилар, орадаги бўшлиқларни қийналиб ўтказадилар. қийин, мураккаб вазиятларнинг узокроқ сақланишни хуш кўрмайдилар. Шуниси характерлики, бу ёшдаги болалар берилган топшириқларни ёки бир ўтиришда қойиллатиб ҳал қиладилар ёки умуман бажармайдилар.

Мустақил муҳокама қилиш ёки танқидий таҳлил уларнинг фаолиятида анча чегараланган бўлади. Бу босқичдаги ўқувчилар билимларни тайёр холида, ўта майдаланган даражада қабул қилишни хушламайдилар. Айримлар вазифани тахтадан кўчирмасдан ўзлари ечишга мойил бўладилар, агар топшириқни ўқитувчининг кўмагисиз ҳал қилишга кўзлари етса, устознинг қўшимча тушунтиришларидан қочадилар. Баъзан уларнинг фикр ифодалашида мустақил мулоҳазани илғаш мумкин.

Мустақил фикр айтиш истаги, ўрганганлари орасидан ўзиникини ажратиб ифодалашга ҳаракат қуйи синфларда, ҳатто 5-синф боласида ҳам кам учрайди. Ўқувчиларнинг бундай хулқи шахс тараққиётининг янги поғонасига кўтарилиши билан изоҳланади. Улар олтинчи синфдан бошлаб ўзларида мустақил фикрлаш сифатини намоён эта бошлайди. Боланинг бу даврдаги жисмоний ва ақлий ривожланиши унинг тафаккур фаоллиги характерини ҳам ўзгартиради: уни мустақил ақлий зўриқишга ундайдиган топшириқларга бой дарслар кўпроқ ўзига торта бошлайди. Бу ҳол, аввало, ҳар бир предмет бўйича алоҳида ўқитувчи бўлиши, ўқитувчига муносабатнинг тубдан ўзгариши ва ўқувчи мустақиллигининг ортиши билан изоҳланади.

Кичик ўсмир ёшидаги болаларга хос бўлган фаолиятга мойиллик, иштиёқнинг зўрлиги, мустақилликка интилиш шахслик шаклланишида муҳим аҳамият касб этади. Булар ўз ҳолича боланинг умумий тараққиётини таъминлайди. Бу ёшда шаклланган маънавий фазилатлар келажакда ижодий фаоллик гарови бўлиши ва махсус қобилиятларнинг юзага келиши шартларидан бири бўлиши мумкин. Бу босқичда бой берилган имкониятлар эса боланинг ҳаётида ҳеч қачон қайтиб келмаслигини ҳар бир ўқитувчи яхши англаши керак.

Мактабининг ўрта босқичи – мустақилликнинг шаклланиш даври ҳисобланади. Бу ёшдаги болалар интизомли ўқувчи бўлиб, талаб этилган нарсаларни бажаришдан кўра ўз интеллектуал кучини ўзлари учун қизиқарли бўлган нарсаларга сарфлашни хуш кўрадилар. Бу даврнинг диққатга сазовор томони шундаки, болаларда айрим мустақил ишларни ва амалий топшириқларни бажаришга мойиллик кучли бўлади. Бу даврда бошланғич синф ўқувчиларини аввалги босқичларда учрамаган топшириқлар

рухлантиради. Улар бундай топшириқларни бажаришга жон-дили билан киришадилар.

Шахсий тажрибадан шу нарса аёнки, дарсдан ташқари бирор қизиқарли ҳаётий ҳодиса ёки кино муҳокама қилинганда ўқувчиларнинг тиллари «ечилиб кетгандек» бўлади. Шундай вазиятларда улар ўз ақлий ва ёш имкониятларидан кўра кўпроқ нарсаларни билиши маълум бўлиб қолади. Дарсликларда дарс жараёнида болаларни худди шундай қизиқтирадиган, уларни ўйлантирадиган, табиатига, ёш хусусиятига мос мавзулар кўпроқ берилиши, матнлар юзасидан тақдим этилган савол-топшириқларнинг турфалиги дарслардаги шундай вазиятларнинг асоси бўлади. Ўқувчиларнинг руҳий мувозанатдан чиқиши эса уларни маънавий камолот сари етаклаш гаровидир. []

Мактаб даврининг бир босқичдан иккинчисига ўтиш жараёнида болаларда эволюцион ўзгариш эмас, балки сифат жиҳатидан бир янгиланиш юз беради. Бу жараёнда ўқувчи тараққиётига салбий таъсир кўрсатувчи жиҳатларни умумлаштирган ҳолда қуйидагича кўрсатиш мумкин. Масалан, бошланғич синф ўқувчилари ақлий ривожланиши билан бериладиган билим, кўникма ва малакалар номуносивблиги, айрим билимларнинг мантиқсизликка асосланганлиги, оила билан мактаб тарбияси ўртасидаги тафовут; 6-7-синф ўқувчиларига хос бўлган ҳаракатчанлик билан интизом тизимининг номуносивблиги, иштиёқнинг зўрлиги, айрим мураккаб муаммоларни мустақил ҳал қилишга бўлган мойиллик, эркинлик, мустақиллик сари интилишнинг баландлиги билан таълим-тарбия жараёнидаги бир хиллик, сустрлик; 8-9-синф ўқувчиларидаги фикрий ва бадиий типларни ақлий шакллар билан аралаштириш, одамларга, атроф-муҳитга танқидий назар билан қарашнинг кучайиши ҳамда таълим жараёнида бундай интилишларни қондириш имкониятининг етишмаслиги, табиий тараққиёт билан таълимий-тарбиявий жараён орасидаги номуносивблик сингари жиҳатлар кўзга ташланади.

Ўсиб бораётган авлод тараққиётининг ҳар босқичида ўзига хос тарзда тафаккур ҳамда фаолият мустақиллигини таъминлаш, боланинг ёшига яраша билим, кўникма, малака ва маънавий сифатларни шакллантиришга шарқ таълим-тарбия тизимида ҳам алоҳида эътибор қаратилган. Бундан ташқари, Шарқ алломаларининг асарларида ўқувчиларнинг билим олишга бўлган қизиқишини фаоллаштириш ва унда мантиқий-мустақил фикрлашни шакллантириш мақсади етакчилик қилгани ҳам кўзга ташланади.

Форобийнинг фикрича, таълим-тарбия жараёнининг ҳар босқичида ўқувчиларнинг билимларни ўзлаштириши ўзига хос тарзда фикрлаш, тасаввур қилиш ва ҳис этиш орқали амалга ошади. Инсон туғилганидан фикрлаш қувватига эга бўлади ва у боланинг ўсиши билан ривожланиб боради. Олимнинг фикрича, инсон ақлига сиғадиган тушунчаларнинг киши онгида сақланиб қолиши билишнинг натижаси саналади. Форобий: “Болада катта имкониятларга эга кўнгил бор. У ҳис-туйғуга, тафаккур орқали англаш хусусиятига эга. Ҳиссиёт ва тафаккур билан жисмлар тушунилади,” – деган.

Шарк мутафаккирларининг таълим-тарбия ҳақидаги қарашлари ўрганилган мактаблардан аён бўлдики, Ибн Сино таълимда билимларни ўзлаштириш ҳис этиш йўли билан амалга оширилганда катта самара беришини алоҳида таъкидлаган. Бу жараён дахл қилиш, ушлаб кўриш, бевосита иштирок этиш йўли билан амалга ошиши зарурлигини асослаган. Ибн Синонинг қарашларига кўра, ўқувчи билими асосида мантикий фикрлаш, шахсий кузатиш ва тажриба ётади. Аллома таълим-тарбияда эркинлик бўлишига эътибор қаратган. Эркинлик ўз-ўзидан тафаккур мустақиллигини таъминлайди, фикр кишисини тарбиялайди, шахснинг маънавий камолотига сабаб бўлади. Олим устоз шогирдининг айрича хусусиятларини инобатга олиши, уларни ўзининг билимдонлиги, шахси билан қизиқтириши, таълимнинг турли методларидан фойдаланиши керак деб ҳисоблаган. Билимларни болалар туйғулари орқали ҳиссий ўзлаштириши учун ўқитувчининг ҳар бир сўзи имо-ишора ва юз ҳаракатлари билан мос бўлиши кераклигини таъкидлаган. Фикрлаш хусусида сўз юритиб, унинг мантиққа асосланиши лозимлигини айтган. Унингча, мантиқ фикрлашнинг қуролидир. Борлиқни англаш мантиққа асосланиши кераклигини Ибн Сино алоҳида таъкидлаган.

Фикр тарбияси, унинг мустақиллигини шакллантириш ва ривожлантириш, таълим-тарбия жараёнидаги ўқувчи мустақиллиги ҳамиша устозларнинг зиммасидаги муқаддас бир вазифа эканлиги ҳамиша миллатнинг илғор ойдинлари диққат марказида бўлган. Фақат шўролар мактаби даврида бу масала таълим тизимида иккинчи ўринга туширилган.

Маълумки, болалар мактабгача бўлган даврида фавқулодда ижодкорлик хусусиятига эга бўладилар. 5-6 ёшида она тилини тўлиқ ўзлаштириб оладилар, ўзларининг амалий фаолиятлари ва борлиқни англашлари учун зарур бўлган ҳар хил маълумотларга эга бўладилар. Уларнинг бу даврдаги тараққиёти ҳеч қандай, одатда, мунтазам ўқитиш ишларисиз, катталар ва тенгдошлари билан мулоқоти жараёнида амалга ошади. Болалар мактаб ҳаётига кириб келганларида, уларнинг фаолияти дастурлар асосида тизимли билим олишга ўтганда бир қадар ўзгаради. Бизнингча, бу ўқиш-ўрганиш жараёнида табиийликнинг бузилгани, унга сунъийлик аралашуви туфайли содир бўлади. Бола мактабга киргач, унинг мустақиллиги, ўз интеллектуал даражасидаги фикрлаши ва ихтиёрий фаолияти маълум даражада чекланади. Ундан мактаб талабларига мувофиқ иш юритиш талаб этилади.

Бола айрим ҳолларда ҳатто мустақил равишда мулоҳаза юритишни унутиб қўйиши ҳам мумкин. Чунки унинг ўрнига ўқитувчи ўйлайди. Ўқитувчи болалар ўзлаштиришлари лозим бўлган билимларни тайёр ҳолда беради, саволлар қўяди, берилиши лозим бўлган жавоблар вариантларини таклиф этади. Бериладиган савол ва топшириқларнинг ечилиш йўллари тавсия этади. Ўқувчи ўрганилаётган ўқув материални эслаб қолиши, уни уйда такрорлаши ва мустаҳкамлаш машқларини бажариши лозим бўлади холос. Маълумки, бундай таълим ўқувчидан ижодий фикрлашни талаб қилмайди. Таълим жараёнида ўқитувчи имкон қадар кенгрок, чуқуррок билим беришга

харакат қилгани туфайли ўқувчида унга савол бериш эҳтиёжи ҳам йўқола боради. Чунки ўқитувчи томонидан берилган билим, аввало, бола учун янги, қолаверса, ўқитувчи бу янгиликни қатор илмий асослар ва исботлар билан тушунтириб берди. Болаларга бу тарзда сингдирилган билим, кўникма, малака ва маънавий сифатлар уларни доимий хизмат кўрсатилиши лозим бўлган истеъмолчига айлантириб қўяди. Ўқувчининг мактабда олаётган билими баъзан гўдакка чайнаб берилган овқатга ўхшаб кетади. Бундай таълим боладан билимларни мустақил равишда ижодий ўрганишни талаб қилмайди. Бир неча йиллик шундай ўқитиш натижасида бола мустақил равишда бирор қадам ҳам босолмайдиган фаолиятсиз кимсага айланади. У ҳар қандай ақлий зўриқишдан ўзини торта бошлайди, бундай зўриқишни яқинлари бўлмиш ўқитувчи, ота-она, ўртоқларининг зиммасига орта бошлайди. Бундай болалар, табиийки, бирор ишни бажаришдан завқ, лаззат ёки қониқиш ҳам туймайдилар

Хулоса қилиб айтсак, мустақил ишлар ўқувчиларнинг ақлий имкониятларини намоён қилишга имкон берадиган, ўқитувчининг бавосита ва бевосита иштирокида, аммо бевосита ёрдамсиз назарий-амалий материаллар устида бажариладиган тадқиқий мазмунга эга бўлган вазифалар бўлиб, ўқувчиларнинг нафақат билим даражаларини, балки уларнинг ўзлаштирган билимларини амалиётда қўллай билишларини, мустақил ва мантиқий фикрлаш даражаларини аниқлаш ва шакллантириш имкониятини берадиган онгли илмий фаолиятдир.

II БОБ. БОШЛАНҒИЧ СИНФ ЎҚУВЧИЛАРИНИНГ МУСТАҚИЛ ИЖОДКОРЛИГИНИ ШАКЛЛАНТИШНИНГ АМАЛИЙ АҲАМИЯТИ .

2.1. Ўқиш дарсларида ўқувчиларнинг ижодий ишларини ташкил этиш шарт-шароитлари.

Таълим методлари масаласи жаҳон педагогикаси учун ҳам, миллий тарбияшунослик учун ҳам янгилик эмас. Бугунги шароитда таълим-тарбиянинг вазифаси ўқувчини зарур билимлар йиғиндиси билан таъминлаш доирасидан чиқиб кетяпти ва ўқувчининг маънавиятини шакллантириш ва бойитиш, унда билимларини изчил равишда тўлдириш, ўзлаштиришга ички эҳтиёж пайдо қилиш, мустақил, мантиқий, ижодий фикрлай олиш кўникмасини шакллантириш каби сифат жиҳатидан янги талаблар қўйилапти. Мактабдан ўқувчи ўз маънавий камолотини таъминлаш учун унда мустақил равишда китоб ўқиш малакасини шакллантириши, билим олиш жараёнида бор имкониятларини қўллаган ҳолда ижодкорликни қарор топдириш талаб қилинапти. Таълим амалиётида мавжуд вазиятларга ижодий ёндашув ўқувчини тақлидчилик, кўчирмачилик, тайёр андозалар, белгиланган қолиплар асосида фикрлашдан сақлаб қолмоқда.

Шу маънода таълим методлари – мустақил, мантиқий, илмий, ижодий фикрлашга ўргатиш, бу йўлда учраган тўсиқларни мустақил равишда, унга ижодий ёндашган ҳолда бартараф этиш гаровидир. Бошланғич синф ўқувчиларнинг ҳар томонлама билимдон, терак фикрли бўлиб етиштиришда ёғзаки ёзма, боғланишли нутқини ўсишида ижодий ишларни ташкил этиш катта роль ўйнайди.

Ижод – бу моддий ва маънавий сферада, янгилик барпо этиш. Шу сабабли изланувчи ижодий даража деб ижодга яқинлашувчи ноанъанавий ёндошувни, фикрлашни тушунамиз.

Қ. Ҳусанбоеваннинг «Адабий тилда мустақил фикрлашга ўргатиш асослари» монографиясида «Ақлий ҳужум» методига алоҳида тўхталади. Бугунги миллий тарбияшуносликка «интерфаол методлар» номи билан кириб келаётган методлар ҳам ўқувчи-ўқитувчидан ортиқча рухий ва жисмоний куч сарфламай, қисқа вақт ичида юксак натижаларга эришиш мақсадни назарда тутаяди. Қисқа вақт ичида маълум назарий билимларни ўқувчига етказиш, унда айрим фаолият юзасидан кўникма, малака ҳосил қилиш, маънавий сифатларни шакллантириш шу билан бирга уларни назорат қилиш ҳамда баҳолаш ўқитувчидан юксак педагогик маҳорат ва чاقқонлик талаб қилади. Адабий таълим жараёнида «6х6х6», «Кластер», «Қарор шажараси» сингари методларнинг айримларидан адабий таълим жараёнидаги бадиий асар тахлилида ҳам фойдаланиш мумкинлигини кўрсатади. Масалан, «Ақлий ҳужум» методининг мақсади ўқувчиларнинг дарс жараёнидаги фаоллигини ошириш, уларни эркин, мустақил мулоҳаза юритишга ундаш, ҳаммасини бир хил қолипда фикрлашдан озод қилиш, маълум мавзу юзасидан ҳар хил фикрларни тўплаш ва масалага ижодий ёндошувни таъминлашдан иборат. Бу методдан фойдаланилганда ўқувчилар олдида муайян бир масала қўйилади.

Шеърят ва иустақил фикрлаш бўлимда эса ўқитувчилар ўз фаолиятларида ўқувчиларнинг интеллектуал хусусиятларини инобатга олиб тарбияшуносликнинг замонавий ютуқларга таянолмаётганлиги ҳақида муаллиф фикр юритади. Бу ўтиш даврининг хусусиятларидан бири экани рост, лекин бу камчиликларни англаб ва тузатиб бориш эртанинг чиройлилигига кафолатдир.

Ҳар бир жанрнинг эмоционал таъсири қулдрати бадий таҳлилга тортилганда юзага чиқади. Шеър мутоаласидан сўнг, унинг таҳлилга кириша бориб, асар сарлавҳасига болалар диққатини қаратиш лозим. «Илтижо» шеъри таҳлили берилган. Шеър таҳлилида: шеърни дарсга қўшиқ шаклида олиб кириш; шеърни ўқитувчининг ўзи таъсирли қилиб ўқиб бериши, дарсда имкон қадар уларни ёддан, таъсирли, ифодали ўқишга ҳаракат қилмоқ лозимлиги уқтирилади. Шеър бўйича саволлар-топшириқлар, шеърни ҳар бандини таҳлил қилиш, ҳаётий мисоллар келтириш, изланишга даъват этишдир.

Айниқса, ўқитувчи баҳор келганда табиатда содир бўладиган қонуний ўзгаришларнинг шоир томонидан ифодаланишига ўқувчиларнинг диққатни тортади. Улар баҳор ҳақида кўп шеърлар эшитишган. Баҳор ҳақида куйлаган ҳар бир шоирнинг ўзи ифода услуби борлигини кўрсатади. Монографияда кўрсатилган бир масалага диққатни қаратамиз: «Т. Сулаймоннинг услубидаги таъсир қудрати нимада? Шеър биринчи банднинг ўзидаёқ одам руҳиятида қандайдир кўзғалиш, тебраниш пайдо қилади. Бу нимадан? Нега шундай бўлаяпти?» Ўқитувчи ўқувчиларга шу бандни қайта ўқиб бериши ва юқоридаги саволларни яна қайта ўртага ташлаб, уларнинг бу ҳақдаги фикрини сўраши лозим. Булар инсоннинг туйғулари ифодаси билан боғлиқ бўлган ўта нозик саволлар. Айрим ўқувчилар сатрларнинг қайта мутоаласида шуни туйган бўлишлари, лекин жавоб бериш, туйғуларини сўз билан ифодалашга қийналишлари мумкин. Ўқувчилар бу саволларга беришаолмасалар ҳам уларни шундай безовталикка солиб қўйиш, туйғуларини тафтиш қилишга ундай билишининг ўзи адабий таълимда катта ютуқ. Болалар изланишда қолганлари маъқул. Уларнинг қайсидир қисми шу ҳақда ўйланганича қолар, дарсдан кейин ҳам изланар, ўзини тафтиш қилар каби. Шеърят, сўз ўқувчи унинг руҳига, кира олгандагина ўз таъсирини кўрсатади. Савол-топшириқларига жавоб бериш жараёнида ўқувчи шеърнинг моҳиятига ўзи кириб боради. Шеър мутоаласидан ўқитувчи ёки муаллиф туйган лаззатни, хиссиётни асар устида ишлаш баробарида ўзи туяди. Ўқитувчи у ўзи хис қилиши керак бўлган туйғуларни, шеър таҳлили жараёнида англаши керак бўлган билимларни тайёр ҳолда унга етказмай, унинг ўзини шунга йўналтириб туриши керак. Зарур билимларини таҳлил жараёнида ўқувчи меҳнат қилиб, мустақил равишда ўйланиб, изланиб ўзи кашф қилади. Иш жараёнида ўзи учун қилган кашфиётларидан, туйган лаззатларидан роҳатланади.

Савол-топшириқлар кўмагида асар таҳлилга тортилар экан, қўшимча саволлар билан ўқувчиларни мисраларда ифодаланаётган катта-кичик ҳар бир ҳаётий ҳақиқат, уларнинг шоир кўнглида армон, ўкинч хиссиёт пайдо

қилаётган сабаблари ҳақида мулоҳаза юритишга ундаш керак бўлади. Бу билан ўқитувчи ўқувчиларни ўз кўнгилларига, руҳиятига назар ташлашга йўналтиради. Шоир кўнглида армон ҳиссини уйғотган шундай ҳақиқатларга нистабан уларнинг кўнглида нима бор экан? Саволлар ўқувчиларни ўзларини кузатиб, ўзлигини, ичкм Менини аниқлаб олишга кўмаклашади.

Дарсликда асар матни юзасидан тақдим этилган савол-топшириқлар устида ишлашнинг ўзи ўқувчиларни унинг моҳиятига олиб киради.

Монографияда шеър устида ишлашнинг ана шундай қулай йўл, иш усуллари кўрсатилган.

Ш. Сариевнинг «Нутқ софлиги-сўз бойлиги» мақоласида мустақил фикрлашга ўргатишда бадий асар жуда катта ролб ўйнашини матн устида ишлашда кўрсатиб берган. Бу шеърни ўрганишга ҳам тааллуқлидир.

М. Умарованинг тест-билим таянчи мақоласида ўқиш дарсларида тестдан фойдаланиш, тест мақсадли бўлиши, у ўқувчилар билимини текшириш, тез фикрлашга ўргатиш, дарсга қизиқишларини ошириш ҳақида фикр юритади ва машғулот яъни тестдан намуналар елтирилган.

М. Жумабобоевнинг «Кичкинтойларнинг катта шоири» мақоласида ғ. ғулумнинг ҳаёти ва ижоди ва болаларга атаб ёзган шеърларининг таҳлили айниқса «Аҳмад ёмон бола эмаску, аммо...» шеърини ва таҳлилинини беради. Ўқувчиларнинг ақлий руҳда тарбиялашда, уларнинг тозалikka риоя қилишларида бу асар алоҳида аҳамиятга эга эканлигини қайд қилади.

Бошланғич синфларда шеърни ўрганиш алоҳида аҳамиятга эгадир.

Шеър-оҳанг жиҳатидан маълум бир тартибга солинган, ҳис-туйғу ифодаси сифатида вужудга келган ҳаяжонли ритмик нутқ. Шеърини нутқни оҳанг жиҳатидан маълум бир тартибга солиш, воситали ритм (бир-бирига монанд кичик бўлақларнинг изчил ва бир меъёрда такрорланиб келиши) ва кофия (мисраларнинг охирида келадиган оҳангдош сўзлар) ҳисобланади.

Шеърни ўқиганда кичик ёшдаги ўқувчилар табиат ва жамият воқеа-ходисаларининг поэтик тасвиридан ҳаяжонланишлари муҳам аҳамиятга эга. Бошланғич синфларда шеър тарзида ёзилган ҳикоялар, яъни шеърини ҳикоялар ва лирик шеърлар ўқитилади.

Шеърини ҳикояда сюжет, яъни воқеалар тизими ва унинг ривожини характерлидир. Лирик шеър (биоро ҳаётини воқеа-ходиса таъсирида инсонда туғилган руҳий кечинма, фикр ва туйғулар оқали турмушни акс эттиради). Лирик шеърнинг хусусияти кишининг ҳис-туйғуга тўла ҳаяжонли нутқини таъсирлироқ ифодалашга қўл келади. Бунда «оҳангдорлик» ва мусиқийликни вужудга келтиради.

Шеърни ўқиш дарсларида асосий иш тури ифодали ўқиш ҳисобланади. Ўқувчи шеърнинг асосий (ғоявий) мазмунини тушунибгина қолмай, уни ифодали ўқий олади. Шунинг учун шеърни таҳлил қилиб, унинг мазмунини ўқувчиларга тушунтириш лозим. Шеърни таҳлил қилишда, асосий иш тури уни ҳис-ҳаяжон билан ифодали ўқишдир. Шеър ифодали ўқилгач, ундаги тушунтирилиши зарур бўлган сўз ва иборалар икки-уч сўз билан қисқачи изоҳланади.

Бошланғич синфларда кўргазмали таълимнинг асосий шакли лирик шеърни ифодали ўқиш ҳисобланади.

Лирик шеърни ҳам, шеърый ҳикояни ҳам ўқувчилар ҳаяжон билан яхлит идрок этишлари лозим. Шеър ўқувчиларга қандай таъсир этганини билиш лозим.

Ўқувчилар шеърни ёқтирадилар. Шеърый нутқни енгил ёдлаб олади, эстетик ҳис-туйғу уйғотади. Ўқувчиларга шеърни ўргатишда қуйидагиларга амал қилиш лозим. Дарсда эркин фикрлашга шароит яратиш; замонавий педагогик технологиялардан фойдаланиш. Ҳар дарснинг мақсади ва вазифаси аниқ, ўқувчи учун тушунарли бўлиши лозим.

1. Шеър мазмунини ўқувчилар яхлит идрок этишлари учун ифодали ўқиш ва ифодали ўқитиш.
2. Шеърни ифодали ўқишни машқ қилиш.
3. Боғланишли нутқ ва сўз, сўз бирикмалари янги луғат устида ишлаш.
4. Уйга вазифа.
5. Кейинги дарсда шеърый парчани ёддан тушунтириш
6. Ўқувчилар шеърни ўқиганда шеърый сатрга риоя қилишлари, шеър ритминини бузмасликлари лозим.
7. Шеър ўқишда оҳанг, пауза, интанация, урғуга этиборни қаратиш.
8. Шеър ўқишда талаффуз устида ишлаш.
9. Ўқитувчи асарнинг ғоявий мазмунини, муаллифнинг ҳаёти ҳақидаги фикр-мулоҳазаларини, қаҳрамонларнинг ички ҳиссиётларини етказиш ифодали ўқиш олига қўйиладиган асосий вазифадир. Ҳар қандай асарни ифодали ўқиш унинг жанр хусусиятлари ва композицияон тузилишига кўра белгиланади. Асарни ифодали ўқишга киришишдан олдин унинг ҳаётий мазмунини образлар тизимини ва бадий хусусиятларини чуқур ўрганиш лозим. Ўқувчиларга баён ёзишни ўргатишни энг қулай осон томонлари.

Баён ўтказиш учун ўқитувчи 3-4 кун олдин тайёргарлик кўради: Бу ҳақда ўқувчиларни 1-2 кун олдин огоҳлантиради, тегишли қоидаларни ўқиб келишни топширади. Баён ёзишни қуйидагича ўтказилади: (Ўқувчилар) Ўқитувчи текстни бир марта ўқиб, режасини докага ёзади. Ўқувчилар буни дафтарларига кўчириб ёзадилар. Кейин матн мазмуни 1-2 ўқувчига сўзлатилади. Мустаҳкамланиш лозим бўлган орфограмма ажратилади, унинг имлоси изоҳланади. Ажратилган орфограмма баёнда сақланиши шарт. Ўқув матн мазмунини (режа асосида сўзлаб) сўзлаётганда, унинг талаффузига ҳам эътибор берилади.

Кейин ўқитувчи матн мазмунини режа асосида сўзлаб беради.

Имлоси қийин сўзларни доскага ёзиб қўйиш ҳам мумкин.

Баён режаси, дастлаб, ўқитувчи томонидан тузилса ҳам кейинчалик уни ўқувчилар иштирокида тузиш мақсадга мувофиқдир.

Баён матнини ўқитувчининг ўзи тузиши ёки бадий асарлардан, шунингдек «Баёнлар тўплами» дан олиши мумкин.

Масалан: Мен доктор бўламан

Режа:

1. Оиламиз аъзолари
2. Уларнинг касб ҳунарлари
3. Тозалик соғлиқнинг гаровидир.
4. Синф раҳбаримиз ишни мақтади.
5. Мен доктор бўламан

каби баённи давом эттирадилар.

М. Умарованинг «Баён ёзишга ўргатиш» мақолиса ҳам бошланғич синфлар, яъни 4 синфда тасвир элементлари бўлган баён матнларини ёритади.

Бошланғич нутқ.

Бошланғич синфлар «Ўқиш китоби» дарсларидаги бадиий матн устида ишлаётганда болаларга матн асосида режа тузиш ва ўқишларини режа асосида кўп ҳикоялаш таклиф қилинади. Бунда ўқитувчи ўқувчиларда режа тузиш кўникмалари шаклланишига эътибор қаратиши, улар асар қисмларининг мантиқий алоқасини қандай ўзлаштирганликларини аниқлаб бориши керак. Ўқитувчилар топшириқнинг иккинчи қисимга, асар матнин қайта ҳикоялаштишга кўпроқ урғу берадилар.

Асар матнини қайта ҳикоялаш, ҳатто уижодий ҳарактерда бўлса ҳам бошланғич маънавийга керакли нарсани бермайди. Режа тузишни талаб қилишдан мақсад боланинг тасавури ва тафаккурини уйғотиш, уни муҳимни номуҳимдан ажратишга, руҳий безовталиққа, изланишга, билганларини тафтиш қилишга, тизимга солишга ўргатишдир.

Ўқувчиларга режа тузишда қуйидагича йўналишни таклиф қилиш мумкин;

- а) берилган матнни икки марта тўлиқ ўқиб чиқиш
- б) биринчи ўқишда матндаги асосий фикрни аниқлаш, ўқиш жараёнида зарур рақамлар ва янги сўзларни эслаб қолиш;
- в) иккинчи ўқиш жараёнида асосий фикрларни топиш, материални маъноли бўликларга бўлиш ва уларнинг ҳар бирини номлаш матндаги асосий фикрлар англашилгандан кейингина унинг режасини тузишга киришилади.

Адабиёт дарсларида ўрганилган асар мазмунидан муҳим жиҳатларни ажратиб, уларни бир тизимга солишда бола тахминан бола қуйидаги ишларни бажаради:

1. Фикр предмети аниқлайди (нима ҳақда гап кетаяпти:).
2. Матнни муҳим ва иккинчи даражали мантиқий бўлақларга ажратади.
3. Калит сўз ва тушунчаларни топади.
4. Матннинг қисқа моҳиятини ифодалаш учун таянч ифодаларни белгилаб олади ва шуларга таяниб, матнни стаҳлил қилади.

Шу йўл билан ўқувчиларнинг мустақил фикрлашга ва фаолияти жараёни маълум режа ва мантиқ асосига қурилади. Авторитар педагогикада мантиқий методларнинг барчаси ўқувчиларнинг билим олишини таъминлашгагина қаратилган эди.

Ўқувчиларнинг режа тизимини билмаслиги ўқитувчи ва педагогиканинг айби. Режа тузишга ўргатиш билан ўқувчи муҳимни номуҳимдан ажратишга

одатланади. Режа асосида ишлашда мустақил фикрлаш жараёни тизимга, режага солинган ҳолда амалга ошади.

Иншо

Синфда асар мутаоласи давомида ўқувчиларга иншо ёзишда қўл келадиган муҳим сўз ва ибораларни белгилаб боришни ўргатиш ҳам мақсадга мувофиқ бўлади. Бу нарса ўқувчиларни асар мутаоласи давомида руҳан иншо ёзишга тайёрлайди. Асар матнидаги муҳимни номуҳимдан фарқлашга ўргатади. Масалан, «Қодирийнинг ижадида нимани қадрлайман ва севаман» мавзусида иншо ёздириш ҳақида шуни айтиш мумкинки, аввало, А. Қодирийнинг асарини бола уни севиб қола оладиган даражада таҳлил қилиш керак. Асардан фақат Қодирийдангина хос бўлган, ўқувчи-китобхон қалбини титратадиган ўринларни болага кашф қилдириш керак. Ўқувчининг шахсиятига ёки бадиий адабиёт тимсолларини тушуниш, баҳолашга қаратилган иншолар ёш муаллифнинг айнан нимани ўйлагани, неларни хис қилганини билишга, тили ва тафаккурини қолипларга солишга йўл қўймасликка имкон яратади. Албатта, бундай мавзуларда ҳам қизиқарли бўлмаган, мавзусиз иншолар ёзилиши мумкин. Лекин синфда шундай мавзуларда ҳам яхшигина иншо ёзадиганлар ҳам топилади. Мактаблардаги кузатишлардан маълумки, бугунги ўқувчиларнинг кўпчилиги ўз фикрини айтишга тортинади, кўрқади, ёки буни истамайди. Уларнинг кўпчилигида салмоқли фикрнинг ўзи йўқ.

Агар мактаб адабий таълимни бугунги методика илми тавсия этаётган йўллар билан ташкил этилса, фикр келишлари кўпайиши муқаррар.

Ишнинг ёзилиш услубига келсак, ўқувчининг услубини катталарнинг услуби билан ёнма ён қўймаслик керак. Ўқитувчи фаразлари, китоб ва қўлланмалардаги фикрлар ўқувчининг фикрида учраши табиий.

Фақат уларнинг бўлиши, боланинг қарашини асослашга хизмат қилиши сезилиб туриши зарур. Ўқувчиларга бир эмас бир нечта мавзунини тақдим этиши керак, токи унда ўзига ёққанини, ўзининг даражасига мос келадиганини танлаш имкони бўлсин.

Ўқувчи иншоларнинг мазмунли бўлишда асарнинг қайси ўринлари мувоффақиятли, чиройли чиққанини пайқаш ва билиши ҳам муҳим аҳамият касб этади.

Болаларда бундай топқирликни шакллантириш ва ривожлантириш ўқитувчининг бурчи ҳисобланади. Бунга «Менга ёққан саҳифа», «Асар мутаоласи менда қандай туйғуларни кўзгади», «Асардаги менга энг ёққан жиҳатлар» сингари иншо ёздириш билан эришиш мумкин.

Ўқувчиларнинг иншо ёзишда китобларнинг тутган ўрни катта. Ўқитувчи маърузаларидан олган билимларини мустақил равишда амалиётда қўллаш ҳам мустақил фикр юритишнинг маҳсули ҳисобланади.

Ўқувчи ҳар бир ишда ўз фикрини ифода этиш ёки ўзгаларнинг фикрларига қўллаш қўлланмаслиги сабабларини изоҳлаш керак. Бирор фикрни ёқлаш ва инкор этиш ҳам мустақил тафаккур талаб қилади. Ўқувчи ўз фикрларини ифодалаши, уларга ишлов беришни билиш, ўқитувчи эса дарслик ёки қўлланмалардан олинган қолипдаги ишни эмас, айнан иншони, ижод

маҳсулини олиш ва текшириш керак. У дидларни «икки» билан синдириш эмас, улар ҳақида тортишиши баҳслашиши керак.

Ёш авлодни Ватанга муҳаббат, меҳнатга онгли муносабатда бўлиш руҳида тарбиялашда ўқиш фанидан ҳикояларни ўрганишнинг таъсир кучи, аҳамияти бекиёсдир.

Ўқиш дарсларида ўрганиладиган бадиий асардаги ҳар образнинг ўзига хос хусусиятларини, яъни унинг ташқи кўриниши, хатти-ҳаракатлари ва ички кечинмаларини оча билиши керак. Ҳар бир образни бошқалардан ажратиб турадиган тамойилларини кўрсатиш муҳимдир.

Бадиий асар устида шундай ишлаш керакки, ўқувчилар онгида образлар тўлақонли ва мукамал ўз ифодасини топсин. Ҳар бир образ қанчалик ёрқин ифодаланса, тасаввур ва тушунчалари шунчалик кенгайди.

Бадиий асарда ҳаёт образлар орқали шаклланади. Бадиий асар марказида инсон, унинг жамият ва табиатга муносабати туради.

Ўқиш дарсларида ўрганиладиган асар турини ҳисобга олиш, бу асарни ўрганиш усулини тўғри танлаш имконини беради. Масалан, ҳикоя-асарни таҳлил қилишда қайта ҳикоялаш ва режа тузиш, агар асар баён тарзҳида берилган бўлса, тўлиқ ҳикоя қилиш ва оғзаки тасвирга эътибор берилади. Асарда диологлар кўп бўлса, танлаб ҳикоя қилиш ва ролларга бўлиб ўқиш яхши натижа беради.

Бадиий асар таҳлилида унинг мазмуни асосида ўқувчиларни ҳаяжонлантириш ва фикрлашга ундаш образлар мазмунини ҳаётга боғлаш, ўқувчиларнинг ўз ҳиссиётларига солиштириш кўриш муҳим тарбиявий аҳамиятга эга. Масалан: «Чўпон йигит Широқ» бўйича бир соатлик дарс намуналаридан берамиз.

Асосий масала

1. Матнни ҳикоялашга тайёрлаш
2. Режа асосидла матнни ҳикоялаш

Дарс жиҳози: Афсонага ишланган расмлар, дарслик, харита.

Ўқитувчи мақсади: афсона ҳақида маълумот бериш, ватанпарварлик руҳида тарбиялаш, оғзаки нутқни ўстириш.

Дарсда ўқитувчи доскага «Чўпон йигит Широқ» деб мавзуни ёзади ва бу матн «Афсона» деб номланиши айтилади. Афсона сўзи изоҳланади. «Афсона» ўргатиш ҳақида маълумот берувчи ёлғон ҳақиқатдир. Афсона халқ томонидан етиб келган, яъни аждодлар ўз авлодларига етказиб сўзлаб берган тўқималардир. Бироқ бу афсоналарни тўқима деб ҳам бўлмайдди, унинг замирида ҳақиқат, тарих ётади, яъни афсоналар бизга тарихимизни ёритишда, билимда етакчи ўрин эгаллашини айтиб ўтади. Ўқитувчи матнни ифодали қилиб ўқиб беради. Бир неча ўқувчилар ҳам ифодали ўқийдилар.

Сўнгра биргаликда матн режаси тузалади:

1. эрон шоҳи Доронинг ўрта Осиёга бостириб кириши
2. Широқ хийласи
3. Душманнинг енгилиши

Матн режа бўйича ўқувчилар бўйича қайта ҳикоя қилинади.

Матн вўа ўтилган мавзу юзасидан саволлар берилиб, мавзу мустаҳкамланади. Дарс жараёнида ўқувчилар ҳис-ҳаяжон асосида ҳикояни қайта сўзлаб берадилар.

Харитада Ўрта Осий-Ўзбекистон, Қирғизистон, Туркменистон, Тожикистон, Қозоғистоннинг бир қисми кўрсатилади. Эрон ҳам харитада кўрсатилади.

Қабила-кишилар оммаси,

лашкар-аскар,

қароргоҳ-тунаш жойи луғати изоҳланади.

Ўқитувчи талаффузи қийин бўлган сўзларни ўқувчиларга ўқитади, нутқидаги камчиликлар тuzатила борилади. Сўғд, қароргоҳ, Роносбат ва ҳ.к.

Сўнгра ўқитувчи (афсонадан) Широқнинг матонати, жасорати, Ватани ҳимояси учун қандай хизмат қилганини сўрайди. Ўқувчиларни ҳам ўз Ватанига содиқ, мард, жасоратли бўлишга ундайди. Сўнгра яна қандай шунга ўхшаш афсоналар борлиги ўқувчилардан сўралади.

Назорат топшириқлари

1. Чўпон йигит исмини белгалинг.

а) Широқ

б) Доро

в) Роносбат

2. Широқ кимни ҳийла билан енгди?

а) Дорони

б) Роносбатни

в) тўғри жавоб йўқ

Кириш машғулотларини баъзи бир ўринларда турли расмлар кўрсатиш, дидактик воситалардан, айрим нарсаларнинг ўзини намойиш қилиш орқали ўтказиш ҳам қизиқарли бўлиб, ўқувчиларни мавзуга чуқурроқ кириб боришларига, асар ғоясини пухта англаб етишларига катта таъсир кўрсатади. Ҳар қандай ҳолатда ҳам кириш машғулотлари мавзуга, ўрганиладиган асар ғоясига мос бўлиши керак.

Кириш машғулотидан кейинги ифодали ўқиш муҳим ўрин тутаяди. Бу ўринда ўқитувчи пухта тайёргарлик билан, ўқувчиларга таъсирли қилиб ўқиб бериши керак. Дарснинг кейинги босқичларида ҳам ифодали ўқишга алоҳида эътибор берилади. Лекин биринчи марта ўқитувчининг ифодали қилиб бериши алоҳида аҳамиятга эга. Бу ўқувчиларнинг асарни тўлақонли ҳис этишларига ёрдам беради, асардаги образлар дунёсига олиб киради. Биринчи марта асарнинг ҳаммаси ўқилади. Агар асар катта бўлса ифодали ўқиш учун асарнинг маълум қисми ажратиб олинади. Агар магнитофон тасмасига ёзиб олинган ифодали ўқиш намунаси бўлса янада яхши. Ўқувчилар мавзунини тез ва осон ўзлаштирадилар.

Айрим ҳолларда асарни биринчи марта ифодали ўқиш учун ўқувчилардан бирини тайёрлаш ҳам мумкин. Ўқувчиларга тайёргарлик шартлари тушунтирилиши лозим. Ўқитувчининг ўзи ўқиб айрим намуналар кўрсатиши лозим. Албатта ўқишда интонация, урғу, пауза, тиниш белгиларига алоҳида эътибор бериш лозим. Ўқувчилар ҳаммаси биргаликда

ичда ўқишлари ҳам керак. Бу ўринда ҳикояда нималар ҳақида фикр юритилган?, ёзувчи бу ҳикояда нима демокчи эканлигига эътибор беринг сингари топшириқлар бериш мумкин.

Бадиий асар устида ишлаш уч асосий босқичга бўлинади:

1. босқич (биринчи синтез) бу босқичнинг вазифаси матнни яхлит идрок этиш асосида асарнинг мазмуни билан унинг сюжет чизиғи билан таништириш асарнинг эмоционал таъсирини аниқлашдир.
2. босқис (анализ) Бу босқичнинг вазифаси ва иш мазмуни: сюжет ривожининг сабаб-натижа боғланишини белгилаш; иштирок этувчи шахсларнинг ҳулқ-атвори ва улардаги асосий хусусиятларни аниқлаш, асар композициясини очиши, асарнинг аниқ мазмунини тасвирий воситалар билан бирга таҳлил қилиш ва қаҳрамонлар ҳулқ-атворини баҳолаш.
3. босқич (иккинчи синтез) Бу босқичнинг мазмуни иштирок этувчи шахсларнинг муҳим хусусиятларини умумлаштириш, қаҳрамонларни таққослаш ва баҳолаш, асар ғоявий йўналишини аниқлаш, бадиий асар орқали ҳаётни билиш манбаи эканлигидан иборат.

Ҳикояни ўрганиш жараёнида ўқувчиларда турли саволлар, тушунмовчиликлар содир бўлади. Шунинг учун ҳам асарни бир марта ўқилгандан кейин савол-жавоб ўтказилиши лозим. Суҳбар жараёнида ўқувчилар у ҳикояда олган тасаввурларини ўртоқлашадилар. Ўқитувчи ўқувчилар тушунчасини ҳисобга олган ҳолда навбатдаги вазифалар, нималарга эътибор бериш кераклигини белгилаб олади. Ўқиш ва таҳлил жараёнида шуларга эътибор бериш лозим.

Асарни қисмларга бўлиб ўқитиб, сарлаҳва топтириш, ҳикоя уларга ёқтими? Ёки ёқмадими? Каби саволлар ўртага ташаланади.

Асарни қисмларга бўлиб ўқишда ўқитувчи масъулиятни чуқур ҳис қилиши лозим. Ўқувчилар асарни ҳар бир қисми мазмунини чуқур ўрганишга ва кейинги қисми мазмунига қиёслашга ўрганадилар. Ҳар бир сўз ва сўз бирикмаси моҳиятини тушуна борадилар. Асар тилининг тасвирий ифодасини таҳлил қиладилар, айрим ўринларини ифодали ўқишга машқ қиладилар.

Асар қисмларини ўқиш ва таҳлил қилиш жараёнида ўқувчилар унинг мазмунини ўзлаштириб борадилар. Яъни қайта ҳикоялаш, режа тузиш каби ижодий ишлар билан ҳам шуғулланадилар.

Тўлиқ қайта қайта ҳикоялаш орқали ўқувчилар матн мазмунини яхши ўзлаштирадилар, тасаввур, тушунчалари кенгаяди, атрофдаги оламни ўрганиб борадилар. Ўқувчилар луғати бойиб боради, асар мазмунига ўз муносабатларини билдиришга одатланиб борадилар. Ўқувчиларга қайта ҳикоялаш топширилса, унда асар мазмунини тўла гапиришга ҳаракат қиладилар. Қайта ҳикоялашни тўғри ташкил этиш мураккаб жараёндир. Бу ўринда гапираётган ўқувчига ҳалақит бермаслик, у ўзини эркин тутишга эришиш, ўз фикрини эркин ва ижодий ифодалашни таъминлаш зарур.

2.2. Тажриба-синов ишларининг натижалари

Таълим методларининг ҳаёт билан алоқадорлиги ўқувчининг тажрибаси унинг билим олишга қизиқишини, эҳтиёжини уйғотувчи восита бўлишини таъминлайди. Муаммоли вазият нечоғли табиий чикса, ҳаётий реал ҳодисалар билан қанчалик яқинлашса, ўқувчининг диққати ва аввалги билимлари шу муаммога қаратилиб, уни ечиш йўллари танланади. Таълимнинг ҳаёт билан алоқадорлиги ҳамиша дидактиканинг асосий талабларидан бири бўлиб келган. Бу талаб таълим методларининг ҳам зарур хусусиятларидан ҳисобланади. Чексиз ҳаётий муаммолар ва уларнинг ҳал этилиши таълимда ўқитувчининг айтиб туриши эмас, ҳаётнинг талаби муҳим эканини англаш имкониятини яратади. Бунга қўшимча қилиб яна шуни айтиш мумкинки, таълим методларида ўқитиш ишларининг ҳаёт билан алоқадорлиги саноатдан, қишлоқ хўжалиги ва ҳ.к.лардан олиб берилган мисолларда эмас, ўқув материали билан ўқувчи шахси орасидаги табиий алоқани англашда намоён бўлиши лозим. Ўқитувчининг педагогик тажрибасидан таълим методлари ўқувчини мустақил фикрлашга ўргатадиган, уни интеллектуал фаол шахс сифатида шакллантирадиган самарали метод тарзида ўрин олиши керак.

Таълим методларида ҳаёт билан алоқадорлик нафақат мавжуд борликни ва унинг объективлигини назарий тушуниш, балки ўқувчининг тажрибасида, реал ҳаётий вазиятларда муаммонинг манбаини аниқлаш ва уни бартараф этиш йўлини топишда кўринади. Ўқувчи шахсий ҳаётида юз берадиган қатор муаммоларнинг назарий асосини тайин этишни ўрганиши лозим бўлади. Шунинг ўзи таълимда боланинг мустақиллиги ва фаоллигини талаб қилади. Шу аснода, уларнинг билими ҳам ортиб боради. Таълимнинг ҳаёт билан алоқадорлигига эришиш ўқувчи олдига қўйилган муаммога унинг бутун диққат-этиборини тортади. Бола бутун куч-ғайрати билан шу қийин ҳолатдан чиқишга ҳаракат қилади.

Маълумки, ҳар қандай катта таълимий муаммо замирида турли кичик-кичик муаммолар мавжуд бўлади ва улар ўқув материалининг маълум қисмини ташкил этади. Умумий муаммонинг ечилиши, одатда, ана шу майда муаммоларни ҳал қилиш орқали амалга ошади. Муаммони ҳал қилишнинг асосий йўли ечимга доир фаразни илгари суриш, унинг исботи ва амалий назоратидир. Файласуфларнинг таъкидлашича, бир қарама-қаршиликнинг ечилиши ўз навбатида кейингисини келтириб чиқаради. Шундан ҳам таълим методларининг ўзгаришларга жуда бой эканлигини англаш мумкин. Ўз навбатида, таълимий муаммонинг ўзи қарама-қаршиликларга бой ўзгаришлардан келиб чиқади. Таълим методларининг ривожланишида бир вазиятдан иккинчи ҳолатга табиий равишда ўтилади. Бир-бирини айнан такрорламайдиган бундай вазиятлар ўқувчини ўзига тортади.

Таълим жараёнини муаммоли ташкил этиш ўқитиш жараёнини тарбиявий, таълимий, қизиқтирувчи, ривожлантирувчи имкониятлар билан таъминлайди. Таълим методларининг асосий вазифалари қуйидагилардан иборат: 1. Ўқувчиларнинг билим олиш фаолиятини мустақил ва ижодий

йўналишга чиқариш. 2.Ўқувчининг янги билим ва фаолият усулларини ўзлаштиришини таъминлаш. 3. Тарбияланувчиларнинг билим олишдаги мустақиллиги ва ижодий қобилиятларини ўстириш. 4. Таълимнинг илмийлиги даражасини ошириш. 5. Ўқувчида илмий дунёқараш шаклланишини таъминлаш. 6. Болада хиссий-иродавий сифатларни ривожлантириш, унинг кўнглида одам ва олам сирларини билишга ички иштиёқни уйғотиш.

Бундан ташқари, таълим методларининг махсус учта вазифаси бор. 1.Мантиқий усуллар ёки ижодий фаолиятнинг махсус йўлларида фойдаланиб ўқувчиларда билимларни ижодий ўзлаштириш кўникмасини тарбиялаш. 2.Ҳаётий вазиятга кўра, мавжуд билимларни ижодий равишда қўллаш кўникмасини тарбиялаш. 3.Ижодий фаолият кўрсатиш кўникмаларини шакллантириш.

Юқоридаги вазифаларнинг ҳар бири алоҳида ўқувчининг амалий ва назарий-интеллектуал фаолиятида намоён этилиади ва таълим методларининг қуйидаги хусусиятларига боғлиқ бўлади: 1.Ўқувчининг янги тушунчани муаммо йўли билан мустақил ўзлаштиришдаги хусусий интеллектуал фаолияти бўлиб, у билимларнинг онгли, чуқур ва мустақкам ўзлаштирилишини таъминлайди. 2.Таълим методлари шахс дунёқараш шаклланишида энг самарали усул саналади. Чунки таълим методлари жараёнида тўпланган билимлар мустақил, танқидий, ижодий тафаккур кўмагида амалий фаолиятда қўлланиб, қатъий ишончга айланади. 3.Ўқув ва амалий муаммолар ўртасидаги қонуний алоқадорлик юзага келади. Ҳаёт билан алоқадорлик ўзлаштирилган билимларни ҳар хил амалий фаолиятда қўллашга хизмат қилади. 4.Ўқувчиларнинг ҳар хил мустақил ишларини тизимли равишда ва самарали қўллаш имконияти яратилади. 5.Таълим методларининг индивидуаллиги ўқув фанини ўзлаштириш учун болада билим, кўникма ва малакаларнинг маълум даражаси олдиндан мавжуд бўлишини талаб этади. Таълим методлари жараёнидаги муаммонинг ҳар хил шаклда бўлиши фаразлар хилма-хиллигини тизимга солади ва натижаларга ҳар хил йўллар билан эришилишини таъминлайди. 6.Таълим методларининг навбатдаги хусусияти унинг жўшқинлигидир. Бу жўшқинлик муаммо ҳар бир болага ўзига хос тарзда таъсир кўрсатишидан келиб чиқади. 7.Таълим методлари ўқувчиларнинг юқори даражадаги фаоллигига асосланади. Чунки муаммоли вазиятнинг ўзи ақлий зўриқишнинг асосий манбаи ҳисобланади. Ўқувчининг фикрлаши узлуксиз тарзда, унинг руҳий-ҳиссий фаолияти билан табиий алоқада бўлади. Тадқиқот шаклида бўлган ҳар қандай фикрлаш ўқув муаммосининг индивидуал қабул қилинишини, шахсий туйғуларни, эмоционал фаоллигини таъминлайди. 8.Таълим методлари билимларни сермахсул ва ижодий ўзлаштиришни таъминлайди, ўқувчининг ижодий фаолиятини кучайтиради. Болаларнинг ўзларига ишончини орттиради¹.

Кўпинча илмий мактабларда муаммо қўйиш билан сўраш учун берилган савол аралаштириб юборилади. Бир қатор олимлар муаммони ҳар қандай

¹ Iacobidă I.È. Oaiđeu   id eđea id e i i i  i b   f y.  a afu, O E ,1972. 191- .

саволдан ажратиб турадиган белги ҳал этилиши керак бўлган масаланинг муҳимлиги ёки қийинлигида, деб биладилар. Аммо муҳимлик ҳам, қийинлик ҳам муаммонинг асосий хусусиятини билдирмайди. Чунки ўта муҳим ва мураккаб саволлар ҳам муаммо даражасига кўтарила олмаслиги мумкин. “Савол” сўзининг хусусиятлари ва аҳамияти луғатларда: жавоб талаб қиладиган мурожаат; ўрганиладиган, муҳокама қилинадиган предмет, ечимини талаб қиладиган масала деб кўрсатилган. “Муаммо” илмий савол бўлиб, у бир неча ечимга эгаллиги билан саволдан фарқланади. Ечимларнинг ҳар бири салмоқли асосга эга бўлади.

Саволда ифодаланган билмаслик илмий изланиш натижасида маълумга, ўрганилган нарсага айланса, бундай савол муаммо бўлолмайди. **Агар савол янги қонуниятларни кашф этиш имкониятлари ҳақидаги таҳминлар билан уйғунлашиб кетса, уни муаммо дейиш мумкин.** Кўп муаммоларни қисқалик мақсадидан келиб чиқиб савол тариқасида қўйиш ҳам мумкин.

М. Махмутовнинг фикрича, таълим методлари билимларни ижодий ўзлаштириш ва фаолият йўллари қонуниятларига асосланган, илмий изланишнинг асосий жиҳатларини ўзида жамлаган, ўқитиш ҳамда ўқиш методлари, усулларини уйғунликда қамраб олган дидактик тизимни ўзида акс эттиради. У билимлар асосини чуқур ўзлаштиришни таъминлайди, ўқувчининг билим олишдаги мустақиллигини, ижодий қобилиятини оширади, дунёқарашини шакллантиради, кенгайтиради.

Бундан ташқари, таълим методлари нафақат ўқувчиларнинг мустақил фикрлаш қобилиятини ўстиради, балки уларда шахслик сифатларининг шаклланишига ҳам имкон яратади. Таълим методлари ўқувчи фаолиятининг билимларни ўзлаштириш ва муаммоли вазиятни таҳлил қилиш йўли билан ҳал қилувчи фаолият турларида, муаммолар ташкил қилиш ва уларни ечишда ўз таклифлари, асослари, исботлари, фаразларини илгари суриш билан боғлиқ алоҳида тизим. Бу ақлий фаолият билимларни, янги тушунчаларни ўқитувчининг раҳбарлигида, онгли равишда ўзлаштиришга, тафаккур мустақиллигини таъминлаш ва фаоллаштиришга, шахс шакллантиришга хизмат қилади.

Муаммонинг, муаммоли вазиятнинг вужудга келганини бола ҳодиса билан у ҳақдаги аввалги тасавури орасида қарама-қаршилиқ пайдо бўлганда ҳис қилади. Бу қарама-қаршилиқни бартараф қилиш учун аввалги билим ва тажрибанинг ўзи камлик қилади. Олимлар муаммони англаб етишнинг ўзи ҳар қандай фикрлаш жараёнининг бошланиши деб ҳисоблайдилар.

Психология илмида муаммо деганда субъектга шу вақтгача маълум бўлган йўллар билан ҳал қилиб бўлмайдиган вазият тушунилади. Педагогикада эса ўқувчи мустақил равишда ҳал қилиши лозим бўлган амалий ёки назарий жиҳатидан мураккаб ҳолат тушунилади. Бундай қийинчиликлар ўқувчининг маълум янги билим ҳамда тажрибаларга таянган ҳолда уларни бартараф этиши учун ташкил этилади.

Таълимда оддий саволдан муаммоли вазиятнинг фарқ қиладиган жиҳати шундаки, саволда, одатда, жавоб учун зарур бўлган деярли барча маълумотлар мавжуд бўлади. Савол уни сўраётган одам жавобини биладиган,

соддароқ фикрлашни талаб қиладиган, бутун вазиятнинг етишмаётган қисмларини тўлдиришдан иборат бўлган ҳодиса. Буни ўқувчи саволни тушуниб, унга жавоб бериш учун керак бўладиган фактлар орасида шундай алоқа ўрнатади, деб тушуниш мумкин. Баъзан саволга жавоб бериш учун қандайдир бир фактни эслашнинг ўзи кифоя. Саволга жавоб бериш учун йўналтирилган фикрлаш усуллари одатда авваллари фойдалниланган бўлади ва ўқувчи шу андаза бўйича ҳаракат қилади.

Муаммода, муаммоли вазиятда эса жавоб учун зарур бўлган тайёр маълумотлар йўқ. Энг аввало, муаммони жавоб бера оладиган даражада тиниклаштириш учун фикрлаш жараёни ёрдамида мос келадиган маълумотларни топиш керак. Муаммони ечмоқчи бўлган одам аввал унда нималар етишмаётганини аниқлаши ва у фактларни қандай топиш кераклигини белгилаб олиши керак. Шундай экан, муаммода ечим тўлиқ шакллантирилмайди. Ўқитувчининг вазифаси маълум муаммоли вазиятни ташкил этиш экан, бунинг учун у, аввало, ўқувчига муаммо нимадан иборат эканини тўғри аниқлаши, болада шу муаммони ҳал этишга хоҳиш уйғотиши керак. Қўйилган масаланинг муаммолик даражаси уни ҳал этиш учун қандай фикрий операциялар амалга оширилиши билан ўлчанади. Бу ўз навбатида ҳар бир ўқувчининг тайёрлик даражаси, билими ва умумий ривожланиши билан ҳам боғлиқ. Муаммоли масалаларни ечиш жараёни, айрим ҳолатларда, ўқувчи ва ўқитувчининг биргаликдаги фаолиятини тақозо этади. Ўқитувчининг вазифаси ўқувчиларга масалани ҳал этиш учун зарур тавсиялар бериш, уларни билим олишга йўналтириш, масалани мураккаб ечишига, бунга ижодий ёндашишига туртки бериб туришдан иборат.

Таълим методларида дастлабки ҳолат ўқувчида маълум назарий ёки амалий муаммони ечишга омил бўладиган муаммоли вазиятни ташкил қилишдан иборат. Ўқувчи муаммога шунчаки ўзлаштириши лозим бўлган ўқув материали деб эмас, унинг учун қизиқарли ва аҳамиятли бўлган, ҳар хил қарашларни солиштириш, таҳлиллаш, аниқлаш асосида ўз нуқтаи назари бўлишини талаб қиладиган, уни ечиш бўйича режалар тузишни тақозо этадиган, тўғри ҳал этиш учун етишмайдиган билимларни ўзлаштиришга ундайдиган зарур масалага ёндашгандай муносабатда бўлиши керак. Бу ерда гап ўқувчига етказилиши лозим бўлган шунчаки топшириқ ёки ўқув материали ҳақида кетаётгани йўқ. Гап шундаки, муаммо билан қизиқиб қолган бола мақсад сари ўзи йўл қидиради. Ўқувчини борлиқ ҳодисаларига ёндашишга ўргатишда уларнинг ички қизиқишини уйғотиш ўқитувчининг асосий вазифаси бўлади. Бундай ҳолат бирданига, бир ёки бир неча дарс давомида шакллантирилмайди. Унга аста-секинлик билан, баъзида йиллар оша эришилади. Муаммоли вазиятни ташкил этиш бутун таълим жараёнини бошқариш билан боғлиқ бўлиб, у ўқув материалининг дастлабки таҳлили, мавзулар орасидаги алоқадорлик, таълимга муаммоли масалаларни олиб кириш шартлари ва уларни муваффақиятли ҳал этиш йўлини аниқлашни талаб қилади. Ўқувчиларда мавжуд тажрибаларни инобатга олиш, уларнинг уйда ўқишлари учун керак бўладиган қўшимча мактаблар ажратиш, зарур дидактик материалларни тайёрлаш каби заруриятлар назарда тутилади.

Таълим методларидаги кейинги масала бевосита муаммонинг ечилишидан иборатдир. Бу жараёни куйидаги босқичларга ажратиш мумкин: 1.Муаммонинг таҳлили ва асословини илгари суриш. Муаммо маълум қийинчиликлар бор жойда пайдо бўлади ва унинг ечими учун ўқувчида мавжуд бўлган билимларнинг ўзи етарли бўлмай қолади. 2.Масаланинг ечимини қидириш ва уни ҳал этиш. Муаммони текширишда унинг янги алоқалари ва илгари маълум бўлмаган сифатлари аниқланади. Шу тариқа аста-секинлик билан объектга доир янги билим тўпланади. Ҳар сафар унинг янги жиҳатлари ва хусусиятлари очила боради. Бу босқични масалани ҳал этиш юзасидан фаразларнинг шаклланиш босқичи деб аташ мумкин. Бу босқичда куйидаги йўллар белгиланади: уринишлар ва хатолар, аввалги тажрибаларга таяниш, ечимнинг тахминий йўллари белгилаш, ечиш тамойилларининг исботи ва асосланиши. 3.Ечиш йўлларининг тўғрилигини текшириш ва олинган натижани баҳолаш.

Ҳар бир босқич маълум умумий жиҳатлар, ўқувчининг муаммони ечиш йўллари қидириши ва топишидан иборат фаолияти билан характерланади. Ўқувчи хато қилишдан чўчимай, ўз изланишлари асосида масалани ҳал этишнинг режасини тузади. Бу жараёнда муқобил йўлларни ҳам кўзда тутлади. Масалани англаш билан унинг ечимигача бўлган йўл қийин ва узок бўлиши ҳам мумкин. Масаланинг ҳал этилишида ўқувчи учун энг муҳим жиҳат унинг бориши ҳақида ўз тасаввурига эга бўлиш. Бу тасаввурга аста-секинлик билан самарасиз уринишлардан кейин, кутилмаганда эришиш ҳам мумкин.

Муаммоли вазиятнинг қийинлик даражаси унинг таркиби ва мазмуни талаб қиладиган билим билан белгиланади. қийинликнинг даражаси берилган шартлар тизимига боғлиқ. Шартлар қанча кўп бўлса, муаммо ўқувчи учун шунчалик қийин бўлади. Таълим методлари жараёнини бошқаришда шу нарса назарда тутилади. Баъзан вазиятга қараб айрим шартларни мураккаблаштириш ёки соддалаштиришга тўғри келади. Шу жиҳатдан топшириқни бажаришдаги мустақиллик ўлчови ҳам ҳар хил бўлиши мумкин. Баъзида ўқувчиларга уларнинг изланишини тўғри йўлга солиб юборадиган маълумотлар кўмаклашиши мумкин. Ўқувчилар қиёслашга киришишлари учун аввал уларга қиёсланадиган умумий асосни топиш ўргатилиши лозим. Бу бир вақтнинг ўзида вазифа ечимининг тизимини аниқлашга, мавжуд фактларни таққослашга кўмаклашади, улар орасидаги ички алоқани топиш ва боғлиқ жиҳатларни англашга ёрдам беради.

Ўқувчиларнинг ижодкорлиги фақат муаммоли масалаларни ҳал этиш жараёнидаги мустақил фикрлаш асосида ўсиши мумкин. Ижодкорлик тафаккур мустақиллигидан моҳиятан ажралмайди. Айнан ижодкорлик фақат бир шахс эмас, балки бутун жамият учун янги ва муҳим масалаларни ҳал этишнинг мустақил фикрлаш ҳамда фаолиятнинг тимсоли бўлиши мумкин. Бундай масалаларни ҳал этиш ижтимоий ҳаётга янгича назар, илмий кашфиётлар, санъат асарларининг яратилиши шарти бўлади. Мактаб болаларни мустақил фикрлашга қатъий ва тинимсиз тарзда йўналтириш билан ижоднинг дастлабки унсурларини шакллантиришга қодирдир.

Мактабнинг вазифаси мустақил фаолият орқали болаларда дунёни билиш ва ўзгартиришга интилишни тарбиялашдир. Таълим методлари ўқувчиларнинг мустақил фикрлаши билан бирга ижодкорлиги ривожланишига ҳам кўмаклашади. Ижодкорлик алоҳида бир нарса эмас ва у инсон фаолиятининг ҳар қандай жабҳасида намоён бўлиши мумкин. Ҳар қандай руҳан соғлом одам ижодкорликка қодир. Бу дегани, ҳар бир ўқувчи ўзининг ўқув фаолиятида маълум даражада ижодкорликнинг қирраларини намоёиш этиши мумкин. Ижодкорлик қобилият билан битта нарса эмас. Кишининг ақлий имкониятлари ҳамиша ҳам ижодкорликнинг баланд ривожига мос келавермайди. Ижод инсон шахсининг сифати. Таълим жараёнида ижодий қобилиятни тарбиялаш ва ривожлантириш, ижодга ўргатиш мумкин. Ижод эса мустақил фикрлашнинг маҳсулидир.

Таълим методларида ўқитувчининг асосий вазифаларидан бири ўқувчида ўқув материалига, уни ўзлаштириб олишга қизиқиш уйғотишдир. Бунинг учун ўқитувчи, бир томондан, ўқувчининг эътиборини ўқув материалини ўзлаштиришга руҳлантирадиган вазият яратиши зарур. Иккинчи томондан, ўқувчининг диққатини унинг шахси учун характерли бўлган мотивацияга қаратиши керак. Ўқув материалининг жозибадорлигини, ўқувчини ўзига тортиш даражасини мавжуд дидактик усуллар ёрдамида ошириш мумкин. Унга материалнинг ўзлаштирилувчанлиги, аниқ ва тушунарли баёни, аҳамиятли жиҳатларнинг ажратилиши, муаммоли вазиятни ташкил этишнинг эмоционал моментлари ва ҳ.к. киради. Ўқитувчи таълим жараёнини, ўқув материалини ўқувчи ўзининг шахсий ишидай қабул қилишига йўналтириши, ўқувчи эса ўша ўқув фанини ўзининг билиш фаолиятидаги энг муҳим нарса деб қабул қилиши керак.

Олинган натижаларнинг тўғри ва вақтида баҳоланиши топшириқ бажарилишига сезиларли таъсир кўрсатиши аниқланган. Бу ҳамиша таълим жараёнидаги руҳлантирувчи муҳим унсур саналади. Ижтимоий муносабатлар тизимига кирган ўқувчи ҳар қандай баҳога эмоционал муносабатда бўлади. Баҳо ўқувчининг топшириқларни яхши бажариш хоҳишини кучайтиради ва мустаҳкамлайди, шу билан бирга унинг фаоллигини оширади. Баҳо ўқувчи ва ўқитувчи, шу билан бирга ўқувчиларнинг ўзаро муносабатларига ҳам таъсир кўрсатади.

Таълим методларида ҳар бир янги топшириқ ўқувчи қатор ақлий хатти-ҳаракатлардан фойдаланиб ҳал этиши лозим бўлган ўқув-билув масаласи сифатида тақдим этилади. Дидактикада ўқув-билув масалаларига ёки муаммога доир умумий талаблар ишлаб чиқилган. У олам ва одам ривожини мантиғидан келиб чиқишини; ўрганиладиган объектнинг ўзигагина хос қарама-қаршилиқларга боғлиқ маълум қийинчиликни акс эттирган бўлишини; қисмларга бўлиш, саволларга айлантириш имкониятининг изчиллиги мавжудлигини ўз ичига олади, уларнинг ҳар бири ўз ўрнида масаланинг ечими сари бир босқич бўлади. Бундан ташқари, бу талаблар бошланғич синф ўқувчиларини унинг ечими учун зарур бўлган билимларга йўналтириши, уларни фаол изланишга ундайдиган ҳамда ўқувчиларнинг ёш ва тайёргарлик даражасига мос бўлиши лозим. Таълим методларини ташкил

етишда энг муҳим жиҳат билим ва кўникмаларнинг онгли ўзлаштирилишига эришишдир.

Ўқувчиларнинг ишини ташкил қилишда дарснинг бошида унинг асосий босқичларини тавсифлаш, уларнинг ҳар бирига қанча вақт керак бўлишини билдириш, дарснинг муҳим жиҳатларини ажратиш ва топшириқнинг танланиш сабаблари асослаш лозим. Ўтказилган тажриба-синов ишлари шуни кўрсатдики, ўқув меҳнати аҳамиятининг ўқувчилар томонидан англаниши рағбатлантирувчи муҳим аҳамият касб этади.

Таълим методлари вазибаларига ўқувчиларнинг муаммони ҳал этишга қаратилган тадқиқот ишлари, турли маънавий кадриятларни туйишлари, интеллектуал билиш ва амалий фаолияти ҳам киради. Ўқитишнинг бу жиҳати ўқувчиларнинг имкониятларидан максимал фойдаланган ҳолда борлиқни бутун турфалиги билан билиш ва қайта кашф этишда асосий йўналиш ҳисобланади.

Мактаб амалиётида ўқувчилар хотирасини ривожлантиришга эътибор устуворлиги сабаби сифатида миллий мактаб тизимига янгиликларнинг султ жорий этилишини кўрсатиш мумкин. Бу сабаб ўзининг анча чуқур икки илдизга эга. Бу илдизлардан бири ижтимоий-сиёсий шарт-шароитларга бориб тақалади. Ўқитувчининг ўқувчи хотирасини ўстиришгагина уриниши унда қотиб қолган нуқтаи назари шаклланишига олиб келади. Бола ёзилганларга, ўқитувчининг айтганларига кўр-кўрона ишониш йўлидан боради. XX аср мактаби ўз табиатиға кўра, ўқувчилар тафаккурининг мустақиллиги ва улардаги қизиқувчанликни йўқотишга интилиши билан характерланарди. Иккинчи илдиз эса ўқитиш психологиясининг султ ривожланганлигиға бориб тақалади. Билимларни ўзлаштириш мустақил илмий талқин эмас, уни шунчаки эслаб қолиш шаклида тушунилган. Ўқитиш иши билан тайёр ўқув материалларини эслаб қолишни бир нарса деб қараш таълим назарияси ва амалиётини узок йиллар бир жойда депсиниб туришиға олиб келди. Бизнинг мустақил жамиятимизға тафаккур уфқи тор, нимани ўргатишса ўшани такрорлайдиган кишилар эмас, мустақил фикрлаш ва фаолият кўрсатишға қодир, ўз қарашларини илмий асослай биладиган, илмий билимларға асосланиб иш кўрадиган ижодкор одамлар керак.

Билимларни ўзлаштириш маълум даражада хотираға мурожаат қилишға, аввал бир марта ўйланган нарса юзасидан қайта мулоҳаза қилишға асосланади. Ўқиш бу ўринда қайта ишлаш характерида бўлади ва бир марта ўтказилган фикрларни янгилаш ёки унутилганларини қайта тиклашни назарда тутуди. Билимларни топиб ўзлаштириш ҳам мустақил фикрлашнинг ўсишида муҳим ўрин тутуди. У ўқувчи фикрининг чуқурлигини таъминлайди.

Шундай мақсад йўлида таклиф этилган муаммоли дидактик топшириқларни бажаришда ўқувчи зиммасига кўпроқ вазифа юкланади. Ўқувчининг тафаккури, шу кунгача моҳияти унга маълум бўлмаган масалани ҳал қилаётганда, бошқача вазиятда бўлади. Бундай вазиятлар чинакамиға аклий зўриқишни талаб қилади, тасаввурнинг дадил ва ижодий ишлаш, чуқур кузатиш ҳамда жиддий эътибор ҳамда кучли хотирани талаб қилади.

Ўқувчининг топшириқни бирор кишининг кўмаги билан бажаришига асосланган анъанавий ўқиш жаҳон педагогик амалиётида бугун ўз аҳамиятини йўқотган. Чунки у болани борлиқ билан чинакам алоқадан маҳрум этади, натижада мустақил фикрлаш ва фаолият кўрсатиш учун шароит яратилмайди. Тафаккур мустақиллигини ўстиришнинг асл моҳияти янги билимларни қўйилган муаммони ҳал этиш орқали ўзлаштиришдан иборатдир. Бу ўринда сўз билим ва боланинг фанга киритадиган янгилиги ҳақида эмас, балки унинг ўзи учун янги бўлган муаммони мустақил ечиши ҳақида боряпти. Фикр ва фаолият мустақиллиги муаммо ечимининг текширилишида ўзганинг иштироки билан боғлиқ бўлади. Ўқувчи ўз олдида ўзи муаммо қўйиб, уни мақсадга мувофиқ тарзда еча билган ва махсус йўллар билан унинг сифатини текшира олгандагина фикрнинг тўлиқ мустақиллиги ҳақида гапириш мумкин.

Тўғри қўйилган муаммо кишига маълум даражада ижобий таъсир кўрсатади. Агар ундаги қийинлик бартараф этилса, индивидга хос қандайдир эҳтиёж қондирилади ва масалани ҳал этиш истаги пайдо бўлади. Муаммони ечиш билан тугайдиган маълум интелектуал зўриқиш содир бўлади. Мустақил мулоҳаза юритишга ўргатилмаган, ақлий дангаса кишилар бундай зўриқишлар ва унга боғлиқ безовталиқдан ўзини тортади. Аммо муаммони ҳал қилишнинг мазасини тотган кишилар бу фаолиятдан завқ оладилар.

Ўзгалар томонидан қўйилган муаммони кўриш ва тушуниш мустақил фикрлашнинг дастлабки бўғини. қўйилган муаммо олдин ўтилган мавзу юзасидан бўлса, унинг ҳал этилиши осонлашади. Ўқувчида мазкур муаммога тегишли аввал шакллантирилган билим ва тажрибалар уни ҳал этиш ҳамда ўқувчида янги фикрлар туғилишининг асосий шарти саналади. Бундай шартлар етарли бўлмаганда ўқувчи ўз билимини зарур тажриба, амалий ишлар қилиш, мазкур муаммо билан боғлиқ мактаблар ўқиш билан тўлдиради.

Муаммони ҳал этиш учун мавжуд билимларнинг қайта ишланиши ва тўлдирилиши ечимни осонлаштиради. Етарли материал жамлангач, қайта ишланиб, тўлдирилган фикр масала ечимининг фаразига айланади. Фаразнинг шаклланиши ва унинг текширилиши махсус тафаккур усуллари ёрдамида амалга оширилади.

Ўқувчининг мустақил бўлмаган ҳаракати тақлидга асосланади ёки кимнингдир раҳбарлиги остида амалга оширилади. Тақлидда киши учун кимнингдир иши ёки ҳолати намуна бўлади. Таълимда тақлид ўқувчилар ўз ишларини бошқаришда етарли даражада мустақилликка эришмаган ҳолатларда, яъни бошланғич босқичда ижобий аҳамият касб этади. Бунинг учун, аввало, тақлид қилинадиган намунанинг ўзи имкон қадар мукамал бўлиши керак. Ўқувчилар ўқитувчининг шахсий, амалий, жисмоний, ақлий қобилиятларига, сифатларига ёки ўртоқлари, асар қахрамонлари ёхуд таниқли кишиларга тақлид қилишади. Бундан ташқари, тайёр ечим намуналарига ҳам тақлид қилиш мумкин. Лекин бу узоқ давом этмайди. Чунки унда ўқувчида ўз йўлини белгилашга интилиш, мустақил фаолият кўрсатишга уриниш сифатлари пасайиб кетади.

Ўқувчилар вазиятни мустақил равишда баҳолаш усулларига ўрганишлари учун анчагина ақлий зўриқиш талаб қилинади. Уларнинг тажриба ва билими етарли бўлмаганда қайси ишни қандай бажариш, қай тарзда яхши натижаларга эришиш мумкинлигини белгилай олмайдилар. Ўз фаолиятларини қандай ташкил этиш кераклигини билмайдилар. Бундай ҳолат ишни бажариш учун зарур ашёларни тўплашда ҳам юз беради. Баъзида уларнинг топган йўллари муаммога мос келмаслиги ёки уни ҳал этиш учун етарли бўлмаслиги мумкин. Бундай вазиятларда ўқитувчида ўқувчини мустақил фаолиятга ундай олиш маҳорати бўлиши муҳим аҳамият касб этади. Бажарилаётган ишни назорат қилиш, одатда, ўқитувчи ҳокимлигининг аломати ҳисобланади. Бошланғич синф ўқувчиларини ўз фаолиятини текшириб кўриш имкониятидан маҳрум қилиш уларнинг мустақил фикрлашини жиловлаб қўяди. Ўқувчининг ўқитувчи томонидан зарур тарзда ташкил этилган ўз-ўзини назорат қилиши аста-секинлик билан ривожланиб бориши, ишни режалаштириш ва бажариш унинг ўзи томонидан амалга оширилиши керак.

Ўқувчилар мустақил фаолиятининг барча босқичларида муаммо кўйиш билан улардан барча ишларни мустақил равишда тўлиқ режалаштириш, бажариш ва текширишни талаб қилиш унчалик ҳам тўғри эмас. Бу ерда қийинчиликларнинг изчиллигига амал қилиш керак. Бошланғич синф ўқувчиларини мустақил фаолиятга аста-секинлик билан ўргатиш керак бўлади. Масалан, ўқувчилар мустақил фаолиятнинг айрим турларига ўқитувчисига тақлид орқали ёки унинг кўрсатмаларини бажариш воситасида ўтиши мумкин. Булар зарур даражада ўзлаштириб олингандан сўнг нисбатан қийинроқ топшириқларни бериш мумкин бўлади.

Мактабнинг бола шахси шакллантирилишига таъсири бебаҳо эканлигини алоҳида таъкидлаш шарт эмас. Гап шундаки, бадий асарларнинг мазмуни бевосита инсон ҳаётининг моҳияти бўлмиш ўзаро ижтимоий муносабатлар, инсон фаолиятининг ютуқ, мағлубият, парвоз ва қулашлари билан боғлиқ. Тарбияланувчилар ҳаётдан ўз ўрнини излар экан, мактаб дарсларида ўзига керакли нарсаларни топиши мумкин.

Биз тажриба-синов ишларини Сирдарё вилояти Гулистон шаҳридаги № 11- мактабнинг бошланғич синфларида олиб бордик. Бунда мактаб ходимлари: ўқитувчилар, директор ўринбосари, ҳамда директор яқиндан ёрдам берди.

Бунда биз ўқувчиларни дарс жараёнида олган билимларини янада чуқурлаштириш ва ривожлантиришга асосий эътиборни қаратдик.

Мактабда 1-4 синф ўқувчиларини жалб этдик. Улардаги тажриба синов ишларимизни, ўзбек халқ оғзаки ижодининг намуналарига асосланиб ўтгаздик.

Таълим жараёнида умумий ўрта таълим мактаблари ўқувчиларини мустақил фикрлашга ўргатиш бўйича тажриба-синов жараёнида 100 ўқувчи қатнашди.

1.-жадвал

Мактаблар	Ўқувчи сони	Тажрибадан олдин			Тажрибадан кейин		
		Баҳола р			Баҳола р		
		“5”	“4”	“3”	“5”	“4”	“3”
11 – мактаб	50	10	10	38	20	20	10
9 – мактаб	50	10	24	38	16	20	14
Ж А М И	100	20	34	56	36	40	24

Мавжуд ўқувчилар сонидан математик-статистик таҳлил учун ўртача (ўқувчиларнинг умумий сони мактаблар сонига нисбатан олинди) 100 ўқувчи танлаб олинди. Тажрибадан олдин ва кейинги кўрсаткичлар куйидагича:

	Ўқувчи сони	Жавоблар сони		
		“5”	“4”	“3”
Тажрибадан олдин	100	20	34	56
Тажрибадан кейин	100	36	40	24

Олинган натижалардан таълим жараёнида бошланғич синф ўқувчиларини мустақил фикрлашга ўргатиш самарадорлиги мезони бирдан катталиги ва билиш даражасини баҳолаш мезони нолдан катталигини кўриш мумкин. Бундан маълум бўладики, тажрибадан кейинги ҳолат тажрибадан олдинги ҳолатдан юқори экан. Демак, Сирдарё вилояти умумий ўрта таълим мактаблари ўқувчилари мустақил фикрлаш даражасини орттиришда яхши натижаларга эришилган дейиш мумкин.

Боб бўйича билдирилган фикрлар ва олинган натижалардан хулоса қилиб айтиш мумкинки:

1. Умумий ўрта таълим мактаблари ўқувчиларнинг мустақил фикрлаш даражаси анча паст. Улар бунга ўргатилмаган. Таълим жараёнида бундай мақсаднинг ўзи бўлмаган, бундай вазифа ҳам қўйилмаган.

2. Инсоннинг маънавиятини ўлчайдиган аниқ, қатъий мезон, ҳозирча, йўқ. Инсон тафаккури мустақиллиги даражасини ўлчайдиган мезон ҳам нисбийдир. Ўқувчиларнинг мустақил фикрлаш даражасини аниқлашда қўйилган баҳола р ҳам синфдаги болалар фикр ифодалашининг умумий даражасига нисбатан олинган.

3. Шу нарсани қатъий ишонч билан айтиш мумкинки, ўқувчилар билан бугуннинг талаби даражасида ишлаш адабий таълим жараёнида уларнинг мустақил фикрлашини юксалтиради.

УМУМИЙ ХУЛОСАЛАР

Бизнингча, мустақил ишлар ўқувчиларнинг ақлий имкониятларини намоён қилишга имкон берадиган, ўқитувчининг бавосита ва бевосита иштирокида, аммо бевосита ёрдамсиз назарий-амалий материаллар устида бажариладиган тадқиқий мазмунга эга бўлган вазифалар бўлиб, ўқувчиларнинг нафақат билим даражаларини, балки уларнинг ўзлаштирган билимларини амалиётда қўллай билишларини, мустақил ва мантиқий фикрлаш даражаларини аниқлаш ва шакллантириш имкониятини берадиган онгли илмий фаолиятдир.

1. Таълим жараёнида ўқувчи шахсининг бош кадриятга айланиши ва унинг ўз маънавиятини шакллантириш йўлида бевосита иштирок этиши маънавий баркамол авлод тарбиялашни тезлаштиради.

2. Таълимнинг барча босқичларида ўқувчилар қобилияти, қизиқишлари ва имкониятларини инобатга олган ҳолда ташкил этиш тарбияланувчида мустақил фикрлаш қобилиятини ўстиради.

3. Дарсда мустақил фикрлашга устувор эътибор қаратиш ўқувчининг ўзини ўзи тарбиялашига, ўз шахсида эзгу маънавий сифатларни шакллантиришига омил бўлади. Уни тарбияламайдилар, балки у ўқитувчилар, катталар ва дарсликлар кўмагида ўзини ўзи тарбиялайди.

4. Мустақил фикрлашга ўргатиш, умуман, педагогика, хусусан, адабий таълимнинг бош мақсади бўлмиш маънавий баркамол инсонни тарбиялашга асос бўлади. Ўз фикри, ўз қарашига эга бўлиш комил шахсликнинг муҳим белгиси ҳисобланади.

Олиб борилган тадқиқот ишлари, ўтказилган эксперимент натижаларига асосланган ҳолда тадқиқот мавзуси юзасидан қуйидаги тавсиялар берилади:

1. Дарсларда ўқувчи шахсини бош кадриятга айланттириш, дарсларда маънавият шакллантириш устуворлигини таъминлаш, билим олиш ва тарбияланиш учун боланинг ўзини ҳаракатга ундаш, унга кашф этиш лаззатини туйдириш, дарсларда педагогик ҳамкорлик ҳукмронлик қилишига эришиш сингари тамойиллар устуворлигига эришиш.

2. Дарсда бошланғич синф ўқувчиларини мустақил фикрлашга ўргатишда таълимнинг мантиқий ва интерфаол методларидан фойдаланилган ҳолда методик қўлланмалар яратиш.

3. Дарсларда бошланғич синф ўқувчиларини мустақил мулоҳаза юритишга ўргатишда Ушбу диссертацион ишда ёритилган муаммоли савол-топшириқлар туркумига асосланган ҳолда тавсияномалар тайёрлаш.

4. Дарсларда ўқувчини мустақил фикрлашга ўргатиш бўйича илмий-амалий анжуманлар ўтказиш.

Ф О Й Д А Л А Н И Л Г А Н А Д А Б И Ё Т Л А Р

1. Каримов И.А. “Ўзбекистон мустақилликка эришиш остонасида” Т: 2011
2. Баркамол авлод Ўзбекистон тараққиётининг пойдевори, Т., Шарқ. 1998, 9-б.
3. Каримов И.А. “Юксак маънавият енгилмас куч” Т: 2008
4. Азизов Б. Ижодий таълим жараёнига тизимли ёндошув. Халқ таълими, 4-сон, 2001, 102-104 б.
5. Б.Х.Ходжаев. “Ўқувчиларнинг тарихий тафаккури шакллантиришда мустақил ишлардан фойдаланиш технологияси” Халқ таълими журнали Т. 2011.й. 3-сон.
6. Бошланғич таълимни ижодий ташкил этиш: муаммолар, ечимлар, ва истиқболлар. Тўплам. Бухоро: 2007
7. Б.Рахимов Ўқувчиларини илмий фаолиятини ташкил этиш. ЎУМ. Г.: 2011
8. Жумабоев М. Кичикинтойларнинг катта шоири. Бошланғич таълим. 7-сон. 1996, 18-19 б.
9. Йўлдошев Ш. 2 синфда расм асосида иншо ёзишга ўргатиш. ТДПУ, 2003, 92-94 б.
- 10.Каримова В., Нишонова З. Мустақил ижадий фикрлаш ва шахснинг хиссий продавий ва интеллектуал хислатлари орасидаги боғланиш. Халқ таълими, 3-2001, 64-69 б.
- 11.К. Қосимова. Бошланғич синфларда она тили ўқитиш методикаси. Т., Ўқитувчи, 1995. 202 б.
- 12.М. Раимов Ўқувчиларнинг мустақил билиш фаолиятини ташкил этиш. Халқ таълими. 6-2000, 89-б.
13. Р.Мовлонова ва бошқалар Педагогика тарихи ва назарияси . Т: 2011
- 14.Ниёзмухамедова Г. Ижодий фаолликни ўстиришнинг педагогик тамойиллари. Халқ таълими, 1-2001, 59-61 б.
- 15.Нишонова З. Мустақил ижодий фикрлаш ва шахс хислатлари 4-2001, 38-40 б.

16. Н.Нуралиева Халқ педагогикаси асослари. Ўқув-услубий мажмуа Г.: 2011
32-40 бетлар
17. Орипов К., Обидова М. Ифодали нутқ. Т., ўқитувчи. 1994, 3-70 б.
18. Рўзибоева Ў.Ш. Тизимли ёндошув. Бошланғич таълим. 1-2002, 18-19 б.
19. Самадов Қ. Ўзбек тили услибиёти. Т., Ўқитувчи. 1991. 3-боб.
20. Сариев Ш. Нутқ софлиги-сўз бойлиги. Бошланғич таълим.
21. Сейтхамедов Э., Ш. Абдуллаева. Ўқувчилар ижодий қобилиятларини ривожлантириш-миллий дастур талаби. 1-2001, 13-15 б.
22. Турдиев Б. Баён таснифи. Бошланғич таълим. 1-1993, 9-11 б.
23. Тожиев А. Адабиёт дарсларида суҳбат. Т., Ўқитувчи, 1977, 3-70 б.
24. Умарова М. Тест билим таянчи. Бошланғич таълим. Т., 17-б.
25. Умарова М., Ҳақимова Ш. Ўқиш китоби. 3-синф учун. Т., «Ижод дунёси», 2003.
26. Ё. Гуломов, И. Мирзаев ва бошқалар. Ўзбек тили ўқитиш методикаси. Т., Ўқитувчи, 1975, 235-236 б.
27. Қ. Ҳусанбоева. Адабий таълимда мустақил фикрлашга ўргатиш асослари. Т., 2003, 37-39 б.

ИНТЕРНЕТДАН ОЛИНГАН АДАБИЁТЛАР:

1. [http: bolalar sarkor.uz](http://bolalar.sarkor.uz).
2. [http: www. referat.uz](http://www.referat.uz).
3. [http: www. online. ru](http://www.online.ru).
4. Чупрасова В.И. Современнўе технологии в образовании Владивосток, 2000.
5. [http: www. rambler.ru](http://www.rambler.ru).
6. [www. method altai rcde. ru](http://www.method.altai.rcde.ru). Инновации в преподаваним.

**ГДУ Бошланғич таълим йўналиши битирувчиси Усмонова Нигора
“Бошланғич синф ўқувчиларининг мустақил ижодкорлигини
шакллантириш” мавзусидаги битирув малакавий ишига раҳбар**

Х у л о с а с и

Баркамол авлодни вояга етказишда, уларни ҳар томонлама комил инсон этиб шакллантиришда бобокалонларимиз мероси бўлган бой миллий қадриятларимиздан, маданий ёдгорликлардан, тарбиянинг самарали усул ва воситаларидан оқилона фойдаланиш таълим-тарбия соҳасининг устивор йўналошларидан биридир. Баркамол авлодни вояга етказишда, уларни ҳар томонлама комил инсон этиб шакллантиришда

бобокалонларимиз мероси бўлган бой миллий кадриятларимиздан, маданий ёдгорликлардан, тарбиянинг самарали усул ва воситаларидан оқилона фойдаланиш таълим-тарбия соҳасининг устивор йўнашларидан биридир. Шундан келиб чиқиб, ижтимоий фаол, давлат тараққиёти учун зарур, ўзининг мустақил фикрга эга бўлган шахснинг фаолияти таълим тарбия самарадорлигининг бош омили сифатида эканлиги илмий муоммо сифатида яхлит ўрганилмаганлигини ҳисобга олган ҳолда тадқиқот “Бошланғич синф ўқувчиларининг мустақил ижодкорлигини шакллантириш” деб олинган ҳамда мазкур тадқиқот иш долзарб муаммони тадқиқ этишга киришилган.

Битирув малакавий ишни муваффақиятли яқунланиши учун аниқ мақсад қўйилиши, вазибаларнинг тўғри белгиланиши, илмий фаразнинг мантиқий тўғрилиги ўзига хос методологияга эга.

Талаба бу вазибаларни босқичма-босқич амалга ошириб борди. Катта ҳажмдаги педагогик, психологик ва ижтимоий манбаларни ўрганиб чиқди. Иш жараёнида умумий таълим мактабларининг бошланғич синфларида одобнома дарсларида интерфаол методларни қўллаш йўллари кузатилди. Икки босқичдан иборат эксперимент ишлари олиб борилиб, натижаларининг таҳлил қилиниши илмий фаразнинг тўғри қўйилганини тасдиқлаш билан бирга, ижобий яқун топганини кўрсатди.

Битирув малакавий иш юзасидан чиқарилган хулосалар ишнинг тўла яқунланганлигидан далолат беради. Берилган амалий тавсияларни фойдали деб ҳисоблаш мумкин.

Битирув малакавий ишда айрим техник камчиликлар мавжуд бўлиб уларни тузатиш мумкин ва улар ишнинг асосий мазмунига таъсир этмайди.

Талаба Усмонова Нигора фақат битирув малакавий иш ёзиш билан чекланиб қолмасдан ўзининг илмий-назарий савиясини ҳам тинмай ошириб борди. Ўзида педагогик маҳорат қирраларини шакллантирди. Замонавий педагогик ва ахборот технологияларини мукамал эгаллашга, компьютер саводхонлигини кўтаришга эришди.

Битирув малакавий иши тўла яқунланган, муайян илмий ва амалий қийматга эга деб ҳисоблаймиз.

Талаба Усмонова Нигоранинг битирув малакавий ишини тугалланган деб ҳисоблаймиз ва ҳимояга тавсия этамиз. Ишнинг мазмуни ижобий баҳога лойиқ эканлигини қайд этамиз.

Илмий раҳбар

Н.Нуралиева

**ГДУ Бошланғич таълим йўналиши битирувчиси Усмонова Нигора
“Бошланғич синф ўқувчиларининг мустақил ижодкорлигини
шакллантириш” мавзусидаги битирув малакавий ишига**

Тақриз

Давлатимизнинг ҳозирги куни ва истиқболи ёш авлоднинг тарбиясига чамбарчас боғлиқдир. Соғлом авлодни етиштиришда бошланғич синф ўқувчиларининг фанларга қизиқишларини янада орттириш, уларнинг таълим тарбия жараёнида қатнашишда машғулотларни тўғри олиб бориш муҳим ўрин тутди. Бу соҳага жумҳуриятимиз раҳбарияти, айниқса Призидентимиз И.А.Каримов катта эътибор билан қарамоқдалар.

Талаба Усмонова Нигоранинг битирув малакавий ишининг кириш қисмида муаммонинг долзарблигини асослаб, унинг мақсад, объект, предмет ва вазифаларини аниқ белгилаб олган.

Мазкур тадқиқот ишининг биринчи бобида тадқиқотчи ўқувчиларни мустақил фикрлашга ўргатишданнинг шакл ва усуллари афзалликларини ва ўзига хос хусусиятларини илмий манбаларга асосланган ҳолда чуқур ва ҳар томонлама таҳлил қилиб беради.

Битирув малакавий ишининг тадқиқотчи ўқувчиларни мустақил фикрлашга ўргатишнинг турли хил шакллари ва ноанъанавий ўқитиш усулларидан фойдаланган ҳолда, ўз олдида қўйган мақсад ва вазифаларни моҳирлик билан амалга оширди. Тадқиқот ишининг натижаси ўларок келтирилган илмий ва амалий тавсиялар ишонарлиги билан диққатга сазовордир. Ундан ҳозирги кунда барча бошланғич синф ўқитувчилари ўз касбий фаолиятларида фойдаланмоқдалар.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати ҳамда, интернет маълумотлари мавзу мазмунига мос келади.

Битирув малакавий ишининг баъзи саҳифаларида жузий камчиликлар ҳам учраб туради. Лекин, бу камчиликлар битирув малакавий ишининг нуфузига таъсир этмайди.

Усмонова Нигоранинг «Бошланғич синф ўқувчиларининг мустақил ижодкорлигини шакллантириш» мавзусидаги бакалаврлик даражасини олиш учун тайёрлаган битирув малакавий иши тугалланган тадқиқот иши бўлиб, унга қўйилган талабларга тўлиқ жавоб беради ва уни ҳимояга тавсия этса бўлади.

Тақризчи:

**7-умум таълим мактаб директори
муовини :**

Н.Махмудова

